

Тадбир

ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Халқимиз қадимдан ўзининг кечиримлиги, инсонпарварлиги, бағрикенглиги ва меҳр-оқибатлиги билан дунёга танилган. Айниқса, истиқлол йилларида элимизнинг ушбу хусусиятлари янада ёрқинроқ намоён бўлмоқда. Халқнинг иродасини, миллий хусусиятларини ифода этувчи давлатимиз ҳам ўзининг сиёсатида мазкур кадрларга содиқ қолмоқда. Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори бунинг тасдиғидир.

Ушбу ҳужжатнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида жойларда тарғибот-ташвиқот ишлари амалга ошириб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири яқинда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси билан ҳамкорликда ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юртида бўлиб ўтди.

«Амнистия – инсонпарварлик ва бағрикенглик намунаси» мавзусидаги тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди, Ҳарбий прокуратураси, Тошкент ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси ҳамда Республика Маънавият тарғибот маркази вакиллари, шунингдек ИИБ Тошкент олий ҳарбий-техника билим юрти профессор-ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг ўринбосари, адлия полковниги Б. Худойбердиев очиб, Конституция-мизнинг мустақил диёримиз тараққиётида тутган ўрни беқиёс эканлиги, унда инсон ҳуқуқ ва эр-

кинликларига асосий эътибор қаратилганлиги, инсонийлик ва бағрикенглик тамойилларининг устувор эканлиги тўғрисида тўхталди.

Шундан сўнг республика Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия полковниги А. Абдуллаев, Ҳарбий суднинг судьяси, адлия катта лейтенанти А. Жонқобиловлар амнистия қарори ва уни қўллаш тартиби ҳақида маъруза қилдилар. Шу билан бирга, Республика Маънавият тарғибот маркази ҳуқуқ бўлими бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор Г. Матқаримова ҳамда республика Ҳарбий прокурорининг матбуот хизмати бўйича катта ёрдамчиси, адлия подполковниги С. Жўраевлар сўзга чиқишди.

Маърузачиларнинг нутқларини тинглаган тадбир иштирокчилари Олий Мажлис Сенатининг қарори мазмун-моҳияти юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

М. БОЙСУНОВ.



Шавкат ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

● Тошкент давлат юридик университетида одил судловнинг коррупцияга қарши курашдаги роли ва аҳамиятига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуманда суд-ҳуқуқ ислохотлари ва уларнинг самарадорлиги, айна пайтда соҳа олдида турган долзарб масалаларни ҳал этишда ҳуқуқшунос-олимларнинг вазифаларига эътибор қаратилди. Бу борадаги илмий ёндашувлар ва амалиётда учраб турадиган муаммолар таҳлил этилиши билан бирга коррупцияга қарши кураш борасидаги халқаро ҳуқуқий нормаларни миллий қонунчиликка татбиқ этиш масалаларига, хориж тажрибасини тадқиқ қилиш орқали илмий асосланган тақлифлар ишлаб чиқишга оид мулоҳазалар билдирилди.

● Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан «Ўзбекистон омма-

вий ахборот воситалари – умуминсоний эзгу ғояларнинг эркин минбари» мавзусида конференция ўтказилди. Унда оммавий ахборот воситалари фаолиятини ривожлантириш, миллий матбуотимизнинг таъсирчанлигини ошириш, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Конференция якунида «Кексаларни эъзозлаш йили» Давлат дастури доирасида журналистика соҳасида ташкил этилган «Эъзоз, эҳтиром, эътироф» республика танловининг якуний натижалари эълон қилинди.

● Хитойнинг CNTIC консорциуми – Даянь электровозозлик заводи «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти локомотивлар паркни янгилаш бўйича ҳамкорлик ишлари доирасида 11 та «O'z-ELR» номли

Матбуот анжумани

Бугунги кунда одам савдоси жаҳон ҳамжамиятини жиддий ташвишга солмоқда. Миллат танламайдиган ва чегара билмайдиган бу иллат ўз гирдобига, айниқса, ёшлар ва аёлларни тортаётганлиги янада ачинарлидир. Мазкур жиноят туфайли юзага келаётган глобал хавф ортиб бораётганлиги сабабли унга қарши курашишга қаратилган чора-тадбирлар кўлами ҳам кенгаймоқда.



БИРГАЛИҚДА КУРАШИШНИ ТАҚОЗО ЭТАДИ

Яқинда республика ИИБ ҲООББ томонидан Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Одамлардан фойдаланиш ва уларни ёллаш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликларга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ишлар ва муаммолар» мавзусида ўтказилган матбуот анжумани ҳам айна шу масалага қаратилди.

Унда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамда Халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Олий ва ўрта-махсус таълим вазирликлари, шунингдек Ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизимининг мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази, Давлат божхона кўмитаси, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди, республика ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ ва Тошкент вилояти ИИБнинг тегишли со-

ҳавий хизматлари масъул ходимлари иштирок этди.

Анжумани ИИБ ҲООББ бўлим бошлиғи, полковник Исмоил Ҳимматов очиб, жумладан шундай деди:

– Бугунги кунга келиб халқаро терроризм, наркотрафик ва одам савдоси сингари жиноятларнинг жамият хавфсизлиги ҳамда инсон ҳаётига хуруж қилаётгани боис улардан жабр чекаётганлар, афсуски, кўпчиликни ташкил этмоқда. Энг ташвишланарлиси шуки, бундай оғир жиноят инсон ҳаёти, эркинлиги ва ҳуқуқларини поймол қилиб, унинг эрки, тақдири ва келажагини оёқ ости қилиши билан нақадар жирканч кўринишга эга эканлигини алоҳида таъкидлаш лозимдир.

Шундан сўнг сўзга чиққан бошқа маърузачилар ҳам ушбу масалага батафсил тўхталиб, Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтдилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонуни талаблари асосида ташкил этилган ҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси тадбирлари натижасида одам савдоси билан шуғулланувчи шахслар аниқланиб, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилатганлиги таъкидланди. Шу билан бирга, аҳолининг, айниқса, вояга етмаганлар ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар орасида маънавий-маърифий ишларни янада кучайтириш ҳамда одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш билан боғлиқ ва ахлоқ-одоб доирасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш юзасидан манфаатдор идоралар билан ҳамкорликда кўплаб тадбирлар олиб борилаётгани бу ишларнинг ўта муҳим эканлигини таъкидлайди.

Тадбир якунида тегишли тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилиб, иштирокчиларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан атрофлича жавоб берилди.

Михли САФАРОВ,
кичик сержант.
Шавкат ҚАҲҲОРОВ
олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН



ҲАҒТА ИЧИДА

юк электровозини етказиб берди.

Эътиборлиси, янги электровозлар оғир юкларни тоғ шароитида ташишга мослаштирилган бўлиб, шу турдаги бошқа локомотивларга нисбатан бир қатор афзалликларга эга. Жумладан, замонавий тормозланиш тизимлари ва комплекс хавфсизлик қурilmалари ўрнатилганлиги боис электр энергияси сарфи 5-8 фоизга камаяди. Экологик хавфсизлик бўйича халқаро талабларга жавоб берадиган локомотив «Toshiba» (Япония) компаниясида ишлаб чиқарилган экологик тоза

асинхрон электр двигателлари, носозликларни таҳлил қиладиган микропроцессор тизими билан жиҳозланган.

● Пойтахтимизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан уюштирилган «Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси — мамлакат тараққиёти ва жамият фаровонлигининг ҳуқуқий кафолати» мавзусидаги ҳуқуқий тарғибот лойиҳаси якунлари, «Парламентаризм билимдони» ҳамда «Конституция билимдони» онлайн танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. «Конституция билимдони» танловида 10 ёшдан 30 ёшгача бўлган ўн мингдан зиёд ватандошимиз қатнашган бўлса, «Парламентаризм билимдони» танловида 136 минг нафардан ортиқ йигит-қиз иштирок этди.

Тадбирда тарғибот ойлигида фаол қатнашган талабалар, танловлар ғолиб ва сов-

риндорлари диплом ҳамда эсдалик совғалар билан тақдирланди.

● Тошкент шаҳрида «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолиятининг долзарб вазифаларига бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Бугунги кунда республика-камизда 211 та ана шундай марказ фаолият кўрсатаяпти. Уларда ташкил қилинган 5 мингдан ортиқ тўғарақларга 114 мингдан зиёд ўқувчилар қамраб олинган.

Тадбирда мактабдан ташқари таълим сифатини ошириш, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш ва турли кўрик-танловларни уюштириш орқали иқтидорларни аниқлаш, уларни қўллаб-қувватлаш борасида қилинаётган ишлар хусусида сўз юритилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

Хабарлар

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Республикамизда қабул қилинаётган қонунлар ижросини таъминлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакилларининг масъулият билан фаолият кўрсатишлари талаб этилади. Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси ва Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси ҳамкорлигида «Адвокатларнинг тергов идоралари билан ҳамкорлигининг истиқболлари» мавзусидаги анжуманда ҳам ана шу масалага тўхталиб ўтилди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ИИББ бошлиғининг ўринбосари, подполковник Д. Ташходжаев олиб борди. Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Му-

сулмонлар идораси масъул ходими И. Маърупов, Тошкент Ислоҳ университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Д. Мақсудов,

Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи Х. Насирходжаев, адвокатлик ҳайъатлари, фирмалари ва бюрolari раҳбарлари, туман ИИБлари тегишли соҳавий хизматлари бошлиқлари ва шахсий таркиби иштирок этди.

Дастлаб подполковник Д. Ташходжаев Тергов бошқармаси ва унинг қуйи тизимларида олиб борилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталиб ўтди. Шундан сўнг И. Маърупов ва

Д. Мақсудовлар бугунги куннинг долзарб муаммоларидан саналган диний экстремизм ва фундаментализмнинг салбий оқибатлари ҳақида йиғилганларга гапириб беришди. Мавзу юзасидан видеоролик намойиш қилинди.

Шунингдек, тадбирда Х. Насирходжаев сўз олиб, гумон қилинувчи (айбланувчи, судланувчи), жабрланувчи ва гувоҳнинг ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланишига оид қонунчиликдаги ўзгаришлар ва уларни қўллаш тартиби тўғрисида батафсил маълумотлар бериб ўтди.

Тошкент шаҳар ИИББ Тергов бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари, подполковник А. Умархонов адвокатларнинг тергов идоралари билан ҳамкорлиги истиқболлари юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирар экан, бундан буюн олиб бориладиган тергов жараёнларида ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини қайд этди.

Тадбир сўнггида мавзу юзасидан берилган саволларга мутахассислар атрофлича жавоб қайтарди.

Сарвар СОБИРОВ.

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР МУҲОКАМАСИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда қилган маърузасидан келиб чиқадиган хулосалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Наманган вилояти ИИБда бўлиб ўтган ўқув семинари ана шу масалага бағишланди. «Терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш, ноқонуний миграциянинг олдини олишда Наманган вилояти тажрибаси» мавзусида ўтган семинарда Ўзбекистон Республикаси ИИБ, Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар ички ишлар идораларининг масъул ходимлари қатнашди.

Бугун дунёнинг турли минтақаларида диний, этник, миллатлараро қарама-қаршиликлар тобора авж олаётган, ёвуз кучлар томонидан уруш олови ёқилаётган бир пайтда тинчлик-осойишталикни сақлаш ҳар бир давлатнинг энг муҳим вазифасига айланган. Хусусан, Ўзбекистондаги бебаҳо неъмат, эришган ютуқларимизнинг бош омилли бўлган тинчлик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш, ноқонуний миграциянинг олдини олиш, одам савдосига, диний-экстремистик ва террорчилик гуруҳларининг бузғунчи ғояларига қарши курашиш, бошқа

турдаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда қўлга киритган натижаларимизни бугун дунё ҳамжамияти ҳам эътироф этмоқда.

Ўқув семинарида Наманган вилоятида бу борада олиб борилаётган ишлар тўғрисида маърузалар тингланди. Иштирокчилар вилоят ИИБ ва Янгиқўрғон тумани ички ишлар бўлимида амалга оширилаётган тадбирлар билан яқиндан танишдилар.

Тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник А. Мирзаев мамлакатимиз ҳудудида ноқонуний миграциянинг олдини олиш, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашиш, хавфсизликни таъминлаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар, ички ишлар идоралари олдида турган долзарб вазифалар хусусида тўхталди.

Равшан УСУБЖОНОВ,
Наманган вилояти ИИБ
ЖҚ ва ТҚКБ бўлим бошлиғи,
майор.

ЖУДА ФОЙДАЛИ БЎЛДИ

Пойтахтимизнинг Алишер Навоий номидаги кино саройида Тошкент шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБга бевосита бўйсунувчи патруль-пост хизмати бригадасининг жорий йилдаги хизмат фаолияти натижаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда сўзга чиққан ППХ бригадаси командири, полковник З. Чиналиев шахсий таркиб томонидан амалга оширилган ишлар, хизматда эришилган натижалар билан бирга, йўл қўйган камчиликларга ҳам тўхталиб ўтди. Шундан сўнг сўзга чиққан маърузачилар ходимларнинг самарали хизмат олиб бориши учун ҳуқуқимиз ва вазирлик томонидан зарур шарт-шароитлар яратиб берилаётгани тўғрисида сўз юритишди.

— Бу каби тадбирлар фаолиятимизни тўлақонли сарҳисоб қилиб, йўл қўйилган камчиликлардан оқилона хулоса чиқаришда, пировардида эса, хизмат самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутди, — дейди ППХ бригадаси ШТБИБ инспектори, кичик сержант Зафар Исроилов. — Шу маънода, мазкур йиғилиш ҳам жуда фойдали бўлди.

Йиғилиш сўнггида хизмат фаолияти давомида юқори натижаларга эришган, пойтахтимиз аҳолисининг тинчлиги ва осойишталигига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ходимлар пул мукофотлари билан тақдирланди.

Ўз мухбиримиз.

МАҚСАД — ХОДИМЛАР
МАЪНАВИЯТИНИ ОШИРИШ

Ички ишлар идоралари ходимлари дунёқарашини янада кенгайтириш, улар қалбида Ватанга муҳаббат, касбга садоқат туйғуларини кучайтириш мақсадида Бухоро вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқинда ички ишлар идоралари ходимларининг хизматдан сўнг ҳордиқ чиқариши ҳамда уларнинг маънавиятини ошириш мақсадида вилоят мусиқали ва драма театрида «Ҳаёл ва ҳақиқат» номли спектакль намойиш этилди. Драматург Азиза Сарварова асари асосида режиссёр Нодира Мўминова томонидан саҳ-

налаштирилган мазкур спектаклда дунёнинг глобал муаммоларидан бири — одам савдоси жиноятининг асл башараси иқтидорли актёрлар ижросида маҳорат билан очиб берилгани барчани яна бир бор огоҳлик ва ҳушёрликка ундади.

Ушбу саҳна асари томошабин қалбида, орийат, ҳалоллик, жасурлик каби туйғуларни уйғотиш билан бир қаторда, ҳар бир ходимнинг хизмат вазифасига бўлган масъулиятини оширишга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Шухрат РАДЖАБОВ,
подполковник.
Бухоро вилояти.

КУРСАНТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республика ИИБ ШТБИБга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Олмалиқ шаҳар марказида Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасига, шунингдек, «Ватанга хоинлик — энг оғир жиноят» ҳамда «Диний экстремизм ва терроризм — тараққиёт душмани» мавзуларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси сиёсий шарҳловчиси Қобилбек Каримбеков иштирок этди.

Тадбирни марказ бошлиғи, полковник Ҳ. Дўсмаатов очиб, Президентимизнинг маърузасидан келиб чиқадиган ички ишлар идоралари ходимларининг вазифалари ҳақида сўз юритди.

Шундан сўнг сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков сўзга чиқиб, юртимиздаги бунёдкорлик ишлари ҳамда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда барча соҳаларда эришаётган ютуқлари, авваламбор, Юртбошимиз томонидан олиб борилаётган оқилона сиёсатнинг натижаси эканлигини таъкидлади. Шунингдек,

давлатимиз раҳбарининг яқинда нашрдан чиққан «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш — энг олий саодатдир» деб номланган китобининг мазмун-моҳиятига тўхталиб, унда баён этилган ғоя ва фикр-мулоҳазалар ёшларимизни Ватанга муҳаббат, бурчга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилишини эътироф этди. Маърузачи ўз сўзида тинч ва фаровон ҳаётимизнинг ҳуқуқий асоси бўлган Конституциямиз мамлакатимизда ҳуқуқий демократик

давлатни барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, иқтисодиётимиз ривожини, турмушимиз фаровонлигини юксалтиришнинг ҳуқуқий кафолати эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, нотик бугунги кунда дунёда юз бераётган глобал муаммолар, шу жумладан, тинчлик ва осойишталикка таҳдид солувчи терроризм, диний экстремизмнинг аянчли оқибатлари ҳақида тўхталиб, йиғилиш иштирокчиларини огоҳликка даъват этди. У «ахборот асри» деб ном олган XXI асрда ҳар бир миллат, жамият, давлатнинг интеллектуал рақобатдошлиги ўта муҳим аҳамият касб этиб бораётганлиги ҳақида йиғилиш қатнашчиларига атрофлича маълумотлар берди.

Давра суҳбати жараёнида тадбир қатнашчилари ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Ислоҳжон АҲМЕДОВ,
подполковник.

ЮҚОРИ НАТИЖАЛАРНИ КЎЗЛАБ

Транспортдаги ички ишлар бошқармаси Тошкент темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБ Тошкент-Жанубий темир йўл бекатидаги тармоқ ИИБда йилнинг ўтган даврида амалга оширилган ишлар таҳлили ва келгуси йил режаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.



Йиғилишда бўлим бошлиғи, майор Ф. Амриев кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди ҳамда ўзининг фидоийлиги билан хизмат самарадорлигини оширишга муносиб ҳисса қўшган ходимларга миннатдорлик изҳор этди. Шундан сўнг бўлим бошлиғи ўринбосари, майор Ҳ. Ҳудашев сўзга чиқиб, жорий йилда ходимлар томонидан жиноятчиликнинг олдини олиш, содир этилганларини фош этиш ҳамда жамоат тартибини сақлаш борасида амал-

га оширилган ишлар хусусида ахборот берди.

Йиғилишда, шунингдек, хизматда юқори натижаларга эришиб, ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирларда фаол иштирок этган бир гуруҳ ходимларга фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

— Хизматларимизнинг раҳбарият томонидан эътироф этилиши келгуси фаолиятимизда янада куч-ғайрат бағишлайди, — дейди Тошкент-Жанубий тармоқ ИИБ ЖҚ ва УЖҚКБ тезкор

вакили, подполковник К. Журакулиев. — Йиғилишда хизмат жараёнида нималарга кўпроқ эътибор қаратишимиз зарурлиги ҳақида муҳим кўрсатмаларни олдик. Бундан кейин ҳам эл-юрт осойишталигини таъминлаш асосий вазифамиз бўлиб қолаверади.

Тадбир якунида галдаги режалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, зарур тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Иномжон РАҲИМХЎҲАЕВ,
сержант.
Ш. ҚАҲҲОРОВ олган сурат.

Юксак мукофот соҳиблари

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР



Ёмонликларга қарши курашувчи инсон бўлиши истаган бўлса, не ажаб...

Ҳар бир инсоннинг келажакда ким бўлиб етишиши ёшликда олинган таълим ва тарбияга бевосита боғлиқ. Буни яхши англаган Шухратнинг ота-онаси фарзандлари тарбиясини ҳеч қачон эътиборсиз қолдиришмади. Бир-биридан қизиқарли болалар адабиётлари, яхшиликка етакловчи эртаклар таъсирида улғайган Шухрат катта бўлганида ҳаётдаги

Шухрат ўзи туғилиб ўсган Хатирчи туманидаги мактаб ва лицейда ўқиб юрган кезлариданоқ китобга меҳр қўйди. Китобни энг яқин дўсти, деб билди. Айниқса, тарих ва ҳуқуқшунослик фанларини севиб мутолаа қиларди. Лицейни тугатгач, икки йил ИИБ Академиясига ҳужжатларини топширди, аммо имтиҳонлардан ўта олмади. Осойишталик посбони бўлиш истаги уни изланишга, билимини оширишга

ундарди. Тинимсиз тайёргарликлар ўз самарасини берди. Интилганга толе ёр деганларидек, Ш. Қулмуродов учинчи йили ИИБ Академияси тингловчисига деган шарафли номга сазовор бўлди.

Ушбу олий даргоҳни муваффақиятли тамомлагач, Навоий вилояти Кармана тумани ИИБ тергов бўлими терговчисига сифатида хизмат фаолиятини бошлади. Пухта билими, ҳар бир ишга виждонан ёндашиши, раҳбарият томони-

дан берилган топшириқларини сидқидилдан бажариши туфайли тез орада ҳамкасблари ўртасида ўз ўрнига эга бўлди.

Орадан йиллар ўтиб, раҳбарият унга катта ишонч билдирди: вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили лавозимига тайинлади. Илгари у айбланувчиларга қонуний йўл билан жазо тайинланишидаги тергов ҳаракатини пухта ўрганиб, далил-исботлар асосида иш олиб борган бўлса, эндиликда бевосита содир этилган жиноятларни «иссиқ изи»да фош этиш мақсадида куну тун изланишда бўларди. Шу боис ҳам унинг ҳаётида янада қизгин, масъулиятли дамлар бошланди. Сабр-бардошлилиги, тиришқоқлиги, интилувчанлиги ва қолаверса, жисмонан чиниққанлиги янги хизмат вазифасига киришиб кетишида муҳим ўрин

тутди. Раҳбарият унинг жиноятларни тезкорлик билан фош этаётганини инобатга олиб, кўп ўтмай катта тезкор вакил лавозимига ўтказди. Ўз хизмат вазифасига масъулият билан ёндашадиган Шухрат жиноятчиликнинг олдини олиш ва содир этилганларини фош этиш борасида жонбозлик кўрсатди. Кўплаб жиноятларнинг «иссиқ изи»да очилишида фаол қатнашди. Ҳозирда майор Шухрат Қулмуродов Навбахор тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари сифатида хизмат қилмоқда. Шу ўринда унинг хизматдаги фаолиятдан бир мисол келтирсак.

Юқори Бешрабат маҳалласидаги хонадонлардан бирида яшовчи фуқаро П. Уғилой (исми-шарифлар ўзгартирилган)нинг ҳовлисида ўғрилиқ жинояти содир этилди. Ўғри жабрланувчига катта миқдорда

моддий зарар етказганди. Бу туман ҳудудида бир ҳафта давомида содир этилган иккинчи жиноят эди. Шу боис ҳам туман ИИБнинг барча соҳавий хизматлари ходимлари жиноятни фош этишга жалб қилинди. Олиб борилган суриштирув-қидирув тадбирлари натижасида иккала ўғрилиқ ҳам бир шахс томондан содир этилганлиги аниқланди. Ушбу жиноятларнинг фош этилишида, албатта, лавҳамиз қаҳрамони алоҳида саъй-ҳаракат кўрсатди. Гумон қилинувчи асли хоразмлик, муқаддам бир неча бор судланган Р. Дилёр экан...

Майор Ш. Қулмуродовнинг хизмат фаолиятдан бундай мисолларни яна келтириш мумкин. У қаерда ва қайси лавозимда хизмат қилмасин бурчга садоқати ва касбига фидойилиги билан ёш ходимларга намуна бўлиб келган. Албатта, бунда устозларидан ол-

ган сабоқ ва улар кўрсатган йўл-йўриқлар муҳим ўрин тутди.

Эл-юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашдек шарафли вазифани сидқидилдан адо этаётган лавҳамиз қаҳрамони ўзининг фидойилиги билан обрў-эътибор топди, ҳамкасбларининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлди. Унинг матонатга йўғрилган шарафли хизмати муносиб баҳоланди. Ички ишлар идоралари ходимлари куни арафасида майор Шухрат Қулмуродов Президентимиз Фармонига мувофиқ «Дўстлик» ордени билан мукофотланди.

Ватанини, халқини севган инсоннинг қалби пок ва муқаддас туйғуларга бой бўлади. Ана шундай туйғулар доимо кишини эзгу ва хайрли ишларга ундайверади.

Мирзокул АҲАДОВ.
Навоий вилояти.

Янги йил таратқули

ТИНЧ ВА ФАРОВОН ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

(Давоми.
Бошланиши 1-бетда).

Президентимиз Ислам Каримов Конституциямизнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидлаганидек, бизнинг бундай ўта муҳим масала, яъни юртимизда тинч ва осуда ҳаётни асраш ва ҳимоя қилиш бўйича мана шундай юксак даражага кўтарилганимиз, бу соҳада олиб бораётган ишларимиз халқаро миқёсда кенг эътироф этилгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизга гурур ва ифтихор бағишлайди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда мамлакатимизда халқимизнинг бахтли ҳаёт кечирishi учун барча шарт-шароит яратилган. Бу давлатимиз томонидан истиқлолнинг дастлабки йилларидан узоқни кўзлаб, инсон манфаатига йўғрилган туб ислохотлар ҳаётга жорий этилгани самарасидир. Энг муҳими, мамлакатимизда юртдошларимизнинг барча орзу-умидлари ижобатининг мустаҳкам пойдевори – тинчлик ва барқарорлик изчил таъминланмоқда.

Тинчлик аталган бебаҳо неъмат қадри элу юртнинг шодёна кунларида яққол бўй кўрсатади. Бундай дориламон кунларнинг қадрига етиш, тинчликни кўз қорачигидек асраш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни сақлаш долзарб аҳамиятга эга. Бугунги таҳликали замонда доимо огоҳ ва сергак бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш энг муҳим вазифаларимиздан.

Бу йўналишда мамлакатимизда тегишли ташкилотлар ва кенг жамоатчиликнинг ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Янги йил байрами арафасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

– Янги йил байрами кўнгилдагидек ўтишини таъминлаш борасида мамлакатимиз бўйлаб кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Илҳом Турғунов. – Ушбу йўналишда туманлар, маҳаллалар ва корхоналарда хушёрлик ва огоҳликка чорловчи тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда. Бундай профилактика ишлари мунтазамлик касб этгани туфайли одамлар онгида фарзандини, ўз уйини, маҳалласини асраш, уни ёмон кўзлардан, ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш туйғуси янада мустаҳкамланаётди.

Ички ишлар идоралари тизимида байрам кунлари тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тасдиқланган режа асосида амалга оширилмоқда. Бунда тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати ва ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳамда фавқулодда вазиятларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилаётди.

Юртимизнинг ҳар бир гўшаси, айниқса, байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар соҳа ходимларининг алоҳида эътиборида. Нохуш ҳолатлар юзага келишига йўл қўймаслик, хавфсизликни таъминлаш юзасидан махсус рейдлар ўтказилаётди. Бу жараёнда маҳаллий ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, посбонлар фаол иштирок этмоқда. Тадбирлар давомида аниқланаётган камчиликлар, ҳуқуқбузарликлар ўз вақтида бартараф этилаётди.

“Тозалаш” тадбири давомида етти миллионга яқин объект кўздан кечирилди. Натижада 191 мингдан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланди. Жиноят содир этиб қидирувда юрган шахслар ушланди.

Профилактика инспекторларининг ҳуқуқбузарликнинг олдини олишга оид фаолияти янада кучайтирилди. Ушбу хизмат нафақат жиноятчиликка қарши курашиш, балки ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш каби вазифаларни самарали адо этмоқда. Улар маҳалла фаоллари билан яқин ҳамкорликда фуқароларнинг муаммоларини ўз вақтида ҳал этиш, вояга етмаганлар, ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка, спортга кенг жалб этиш ишларини изчил йўлга қўймоқда. Бу маҳаллалар муҳитининг

тобора соғломлашишига хизмат қилаётди. 2015 йилнинг ўтган даврида 2,3 мингга яқин маҳаллада бирорта ҳам жиноят содир этилишига йўл қўйилмагани бунинг тасдиғидир.

Ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ҳам осойишталикнинг муҳим омилларидан. Шу боис аҳоли пунктлари, иқтисодий тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида ёнғин хавфсизлиги тадбирлари янада кучайтирилди. Соҳа ходимлари аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш юзасидан тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 ноябрдаги “Ҳар йили ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2015 йил 20 ноябрдан 20 декабрга қадар ўтказилган ойлик доирасидаги профилактик тадбирлар жараёнида 594 мингга яқин ёнғин хавфсизлиги оид камчилик аниқланиб, уларнинг аксарияти бартараф этилди.

Амалга оширилган тадбирлар ва кўрилаётган чоралар ўз самарасини бериб, ёнғинлар содир бўлиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49 фоизга камайишига эришилди.

Фуқаролар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш, инсон ҳаётини асрашдек эзгу мақсадларни рўёбга чиқаришда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг аҳамияти беқиёс. Бу борада соҳада тизимли ишлар олиб борилмоқда, йўл-патруль хизмати маскан-

ларида автотранспорт воситалари қатъий текширувдан ўтказилаётди. Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш учун барча жамоат транспортлари техник кўриқдан ўтказилди. Байрам тадбирлари ўтказиладиган майдонлар атрофидаги йўллар ва йўл белгилари кўздан кечирилиб, камчиликлар бартараф этилмоқда.

Йўл ҳаракати қоидалари таъминлаштирилгани, қоидабузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилгани йўл-транспорт ҳодисаларининг камайишига замин яратмоқда. Соҳага замонавий ахборот технологиялари жорий этилаётгани транспорт оқимини кузатиш, уларни тартибга солиш, қоидабузарликларни тезкор аниқлаш имконини бермоқда.

Янги йил арафасида ва байрам кунлари мамлакатимизга пиротехника воситалари кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича ҳам зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар натижасида юртимизда жамоат хавфсизлиги, осойишталик таъминланмоқда. Шунга қарамай, тинч, осойишта ҳаётимизни асраб-авайлаш ҳар биримиздан огоҳ ва хушёр бўлишни талаб этади. Буни доимо ёдда тутиш, яқинлашиб келадиган Янги йил байрами кўнгилдагидек ўтиши учун ҳисса қўшишга барчамиз масъул эканлигимизни унутмайлик.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА муҳбири.

Қарор ва ижро

2015 йил 3 декабрда Олий Мажлис Сенатининг «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма уч йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорда аёллар, жиноят содир этган вақтда ўн саккиз ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшдан ошган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари, I ва II гуруҳ ногиронларини (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод қилиш белгиланган. Бундан ташқари, қарорда эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этган шахслар, шунингдек ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятларни қасддан содир этгани учун биринчи марта ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилиниши кўзда тутилган.

Ушбу қарорнинг қўлланилиши устидан жамоатчилик назоратини ва жараённинг очиқ-ошкора-лигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Шунинг учун сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг минтақавий вакиллари ушбу масъулиятли жараёнда фаол иштирок этади. Унга мутасадди идоралар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам кенг жалб этилади.

Шунингдек, жазодан озод қилинган шахсларнинг ижтимоий мослашуви ва ҳимоясига оид чораларни рўйбга чиқариш, уларнинг тўлиқ ҳисобга олинishi ва ишга жойлаштирилиши таъминлаш, ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни «Саховат» уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чоратадбирлар мажмуини амалга ошириш назарда тутилмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ҳар йили қабул қилинаётган амнистия акти асосида қанчадан-қанча кишилар жазодан озод қилинмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат ижроси доирасида маҳкумларни нафақат озодликка чиқариш ва оиласи бағрига қайтариш, балки уларнинг соғлиғи, турмуш шароитларини яхшилаш ҳамда ишга жойлаштириш каби чора-тадбирлар ҳам изчил амалга оширилмоқда.

Амнистия акти — мамлакатимизда рўйбга чиқарилаётган инсонпарварлик ва бағрикенглик, миллий қадриятларга ҳурмат сиёсатининг амалдаги яна бир ифодасидир. Зотан, билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолганларни кечириш, уларга нисбатан инсонпарварлик актини қўллаш бундай шахсларнинг ҳар қандай жиноий қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишида жуда муҳим ўрин тутаяди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг қонунчилиги ҳамда суд ҳокимияти тизимида фуқаро-

ташаббуси билан 1991 йил 31 августда эълон қилинган биринчи амнистия халқимиз ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолганини эсга олиш ўринлидир. 2008 йилнинг декабрь ойида ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларга амнистия актини қўллаш ваколати судга ўтказилганига ҳам эътибор қаратиш зарур. Яъни шу тариқа мамлакатимизда амнистия актини қўллаш масаласи жиноят процесси босқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан ҳал этиладиган бўлди.

нинг айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини бекор қилиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қароридир. Унинг асосида хато қилган ва қилмишидан пушаймон бўлганлар кечирилади, уларга ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имкон берилди.

Бошқача айтганда, амнистия актини қўллаш — ғайриқонуний ҳаракатлар содир этган жиноят процесси иштирокчиларидан бири бўлмиш гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи учун маълум имконият ва енгилликлар туғдириш мажмуаси, десак муболаға бўлмайди.

Ҳар йили эълон қилинаётган амнистия актидан қўзланган мақсад фақат маҳкумларни ёки билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш эмас, балки улар туфайли жабр тортадиган ҳар бир оилани ва оила аъзоларини, айниқса, ўсиб келаётган норасида ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Агар шу вақтга қадар эълон қилинган амнистия актларининг биринчи бандига эътибор қаратсак, уларнинг барчасида, энг аввало, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар, чет давлатлар фуқаролари ҳамда I ва II гуруҳ ногиронларининг (назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда) жазодан озод этилиши назарда тутилганига гувоҳ бўламиз.

Маълумки, оилада фарзанд тарбиясида аёлнинг ўрни катта. Баъзан билиб-билмай қилган хатолари, ҳаётда адашганликлари туфайли жиноят содир этиб, жазо муддатини ўтаётган хотин-қизларимиз ортида оиласи, фарзандлари ва яқинларининг тақдири турибди. Шу сабабли Олий Мажлис Сенатининг амнистия тўғрисидаги Қарори жамият эътиборини хотин-қизларимизга қаратиш, адашганларга эса яна бир имконият берилишида айни муддао бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, амнистия актини қабул қилишдан асосий мақсад Конституциямизнинг муқаддимасида белгиланган инсонпарварлик ғояларига содиқликни намоён этган ҳолда адашиб жиноят содир қилган фуқароларни кечириб, уларга янги ҳаёт бошлашга имконият бериш ҳисобланади. Амнистия тўғрисидаги ҳужжатнинг қўлланиши давлатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият саналишини, юртимизда олиб борилаётган ислохотларнинг мазмун-моҳиятида инсонпарварлик тамойили устувор эканини яна бир бор намоён этиши билан аҳамиятлидир.

Ботир ИМИНОВ,
ИИБ Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва юридик таъминлаш бошқармаси катта юрисконсулти, подполковник.

БАҒРИКЕНГЛИКНИНГ АМАЛДАГИ ИФОДАСИ



ларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган изчил демократик ислохотлар олиб борилаётганининг ёрқин ифодасидир. Умуман, юртимизда

Зотан, бу муҳим қадам, ўз навбатида, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, юқорида

Амнистия актини қўллаш — ғайриқонуний ҳаракатлар содир этган жиноят процесси иштирокчиларидан бири бўлмиш гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи учун маълум имконият ва енгилликлар туғдириш мажмуаси.

амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари моҳиятига ҳам айнан шу ғоя сингдирилгани алоҳида эътиборга лойиқдир. Бинобарин, амнистия акти юртимизда қадимдан амал қилиб келинаётган маънавий қадриятларни, қолаверса, кишиларимиз эъозлайдиган бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби олийжаноб фазилатларни ўзида тўлиқ мужасамлаштирган.

Азал-азалдан аждодларимиз доимо аҳиллик ва ҳамжиҳатликка интилган, ўзаро жанжалларни эса муросяю мадора асосида бартараф этиб, ҳар қандай низоларга барҳам беришга ҳаракат қилган. Президентимиз

кўрсатилган демократик ғояларнинг амалга татбиқ этилиши билан Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ нормаларининг замонавий стандарт ва талабларига жавоб берадиган жиноий жазоларнинг инсонпарвар ва либерал тизими яратилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш жараёни замирида, авваламбор, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш мақсадлари мужассамлашган. Шу жиҳатдан амнистия — умумий афв бўлиб, олий давлат ҳокимияти органи-



Лавҳамиз қаҳрамони Андижон вилоятидаги олий таълим муассасаларидан бирини тугатгач, қишлоқ мактабда бир йилдан кўпроқ ишлади. Сўнгра мамлакат Қуролли Кучлари сафида хизмат қилди.

– Армиядан қайтгач ички ишлар идоралари ходими бўлишга қатъий қарор қилдим. Тегишли синовлардан ўтганимдан сўнг Олтинкўл тумани ИИБ ХООБ профилактика инспектори этиб тайинлашди, – дейди капитан Ф. Шаробиддинов. – Икки йилдан сўнг Балиқчи тумани ИИБга ўтказилдим. Турли ҳудудларда профилактика инспектори сифатида фаолият юритдим. Ҳозирги пайтда Чинобод қишлоғида тинчлик-осойишталик таъминлашига масъулман. Худудда «Балиқчи», «Чинобод» ва «Захкаш» маҳалла фуқаролар йиғинлари жойлашган.

Маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари Ойбек Рашидов, Аҳмадҷон Халилов, Азизбек Мўйдинов ҳамда «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси раҳбарлари Сардор Нуриддинов,

ОСОЙИШТАЛИК ПОСБОНЛАРИ –

ДОИМО ХАЛҚ БИЛАН БИРГА

Дилмурод Тўланов, Баҳодир Зокировлар билан фуқароларнинг уйлари айланиб чиқамиз. Биргаликда аҳоли билан профилактик суҳбатлар ўтказамиз, паспорт қоидалари тартиботига риоя қилинишини текшираемиз. Қолаверса, фуқароларнинг муаммоларини жойида ҳал этишга ҳаракат қиламиз.

– Туманимизда тинчлик, осойишталик, жамоат тартиби ҳамда фуқаролар хавфсизлиги ҳудудий профилактика инспекторлари томонидан таъминланмоқда, – дея суҳбатимизга қўшилди Балиқчи тумани ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, капитан Иномжон Ибрагимов. – Ушбу соҳадаги янгиликлар жараёни натижасида йилдан йилга профилактика инспекторларининг ўрни, аҳамияти ортиб бормоқда. Жиноятчиликка қарши курашиш сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Профилакти-



ка инспекторлари орасида капитан Файратбек Шаробиддиновни алоҳида тилга олиб ўтишни хоҳлардим.

У тажрибали ходим ҳисобланади. Ишчанлик, хизмат қилаётган ҳудуддаги муаммоларни тезкорлик билан ҳал эта олиш ушбу инспекторга хос. Зиммасидаги вазифаларни сидқидилдан

бажариши, жамоада ташаббускорликни ўз кўлига олиши ҳамда зиддиятли вазиятларнинг олдини ола билиши инспекторнинг ибратли жиҳатларидан. У хизмат ҳудудидаги муаммоларга ечим топиш мақсадида саъй-ҳаракат кўрсатади, ҳуқуқ-тартиботга риоя этилишини назорат қилади,

ўсмирлар ўртасида тушунтириш ишлари олиб боради, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллар билан профилактик суҳбатлар ўтказилади.

Бугунги кунда унинг ёнида шогирдлари профилактика инспекторлари, катта лейтенант М. Эргашев, лейтенантлар Ж. Қодиров ва У. Араповлар хизмат қилмоқда. Улар устозларидан зарур бўлганда йўл-йўриқ, маслаҳат сўраб туришади.

– Касбимни жуда яхши кўраман, – дейди суҳбатимиз сўнгида капитан Файратбек Шаробиддинов. – Ҳар доим одамлар орасидаман. Ҳар бирининг турмуш тарзидан, кувонч-у ташвишларидан хабардорман, қийин дамларида имкон қадар ёрдам бераман.

Борис КЛЕЙМАН.
Андижон вилояти.

Суратда: профилактика инспектори, капитан Файратбек Шаробиддинов хизмат пайтида.

Муаллиф олган сурат.

ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ уларнинг асосий вазифаси

Самарқанд шаҳридаги «Дамарик» бозори гавжум. Савдо авжида. Рўзгорга у-бу нарса харид қилиш мақсадида келган Нилуфар Тожиева кутилмаганда тикилинчда қолди. Шу маҳал ўзи тенги бир жувон унга тўқнашиб кетди.

– Э, бу нима қилганингиз, – Нилуфар аёлга норози оҳангда деди. – Кўзингизга қарасангиз бўлмайдими?!

– Кечирасиз, билмасдан...

Нотаниш аёл шундай деди-да, кўздан йўқолди. Нилуфар кўзлари бежо бу аёлнинг хатти-ҳаракатидан ниманидир гумон қилиб, тезда сумкасига қўл солди. Афсуски, қимматбаҳо уяли телефон аппарати ва каттагина миқдордаги пули йўқ эди. Нилуфар тезда аёлни қидирди. Лекин унинг қораси ҳам кўринмасди. «Телефоним, пулим» деганча бирпас нима қиларини билмай турди. Кейин ички ишлар идоралари ходимига кўзи тушиб, ўша ёққа қараб югурди.

– Жабрланувчининг мурожаатидан сўнг шу атрофда хизмат вазифасини ўтаётган ППХ батальони 1-отряд ходимлари – сафдорлар Л. Турсунқулов, А. Тўрақулов ва И. Атоев вақтни бой бермасдан ўғрини қидиришни бошлаб юборишди, – дейди вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони командирининг ўринбосари, майор Зокир Толибов. – Ҳуқуқбузарнинг кўриниши, кийимлари бўйича суриштирув тадбирлари ўтказилди. Бу тезда ўз самарасини бериб, мазкур ҳуқуқбузарликни содир этганликда гумон қилинувчи сифатида 1981 йилда туғилган пастдаргомлик Д. Комила (исм-шарифлар ўзгартирилган) ушланди. Гувоҳлар, холислар иштирокида аёл текшириб кўрилган



нида, жабрланувчига тегишли маълум миқдордаги пул ва телефон аппарати унинг ёнидан топилди.

Жорий йилнинг 15 октябрида ППХ батальонининг 4-отряд ходимлари – сафдорлар Қ. Тўхлиев ва Ф. Шокиров Самарқанд тумани «Кўштамғали» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида хизмат вазифасини ўтаётган эди. Улар бир нечта машина тўхтаб турган жойга яқинлашганларида

«Ваз – 2101» русумли автомашина олдида куймаланаётган бир кишига дуч келишди. Номаълум шахс дафъатан осойишталик посбонларини кўриб, бироз ўнғайсизланди. Кейин ҳеч нарса бўлмагандек ўзини худди машинанинг гилдирақларини кўздан кечираётгандек қилиб кўрсатди.

– Кечирасиз, ёрдам керак эмасми? – сўради осойишталик посбонларидан бири унга яқинлашиб.

– Йўқ, раҳмат, – деди номаълум киши кўзини олиб қочиб.

– Машина сизникими?

– Ҳа, албатта. Яна кимники бўлиши мумкин?

– Унда марҳамат қилиб машинангизнинг давлат рақамини айтинг-чи.

Номаълум шахс бу саволга жавоб бера олмади. Чунки машина унга тегишли эмасди. Шунинг учун у қочишга кетолмади, ходимлар томонидан қўлга олинди. Машина эшигини очиб, салонда бўлган пулни олиб кетишга уринган ҳуқуқбузарнинг қинғир ишига шу йўсинда чек қўйилди.

Самарқанд вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходимларининг хизмат фаолиятида бу каби мисоллар талайгина. Энг асосийси, уларнинг жонбозликлари бесамар кетмаяпти. Кўчаларда, хиёбонларда, бошқа жамоат жойларида уларнинг доимий хушёрлиги, ҳар қандай вазиятга шайлиги туфайли кўплаб жиноятларнинг пайи қирқил-

моқда. Ҳуқуқбузарлар қўлга олинапти. Буни жорий йилнинг ўтган даврида батальон ходимлари томонидан 90 дан зиёд жиноятнинг фош этилганида ҳам кўриш мумкин. Бошқа соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда олиб борилган тадбирларда ҳам батальон ходимлари фаол иштирок этиб, 300 дан ортиқ жиноятларнинг очилишига муносиб ҳисса қўшишди.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХ батальони ходимлари ҳудудда тинчлик-осойишталикни таъминлашга, жамоат тартибини сақлашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда. Айнан уларнинг ўз хизмат вазифасини сидқидилдан адо этаётганлиги, ҳеч бир ҳуқуқбузарлик ҳолатини назардан четда қолдиришмаётгани туфайли кўплаб ҳуқуқбузарликларнинг олди олинмоқда, аксарият жиноятлар «иссиқ изида» фош этилмоқда.

Фозил МАМАШАРИПОВ.
Самарқанд вилояти.

Суратда: ППХ батальони 3-отряд гуруҳ командири, сафдор Илёс Саидқулов ва милиционер-ҳайдовчи, кичик сержант Жўрабек Жуманов хизмат пайтида.

Шавкат ҚАҲҚОРОВ
олган сурат.

ХАЛҚНИНГ ТАЯНЧИ ВА СУЯНЧИ



Кизилтепа тумани ИИБ хузуридаги кўриқлаш бўлими ходимлари хизмат самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу мақсадда хизмат фаолияти такомиллаштирилиб, ходимлар замонавий алоқа ва техника воситалари билан таъминланмоқда. Шунингдек, уларнинг касбий маҳорати ва жисмоний тайёргарлигини ошириш борасида ҳам эътиборга молик ишлар амалга ошириляпти.

ИШОНЧНИ ҚОЗОНИШ ЙЎЛИДА

Айни пайтда кўриқлаш бўлими томонидан 50 дан зиёд турли тоифадаги халқ хўжалиги иншоотлари, 40 дан зиёд фуқаролар хонадонлари ишончли кўриқланмоқда. Кўриқловдаги биноларда, хонадонларда ташмачилик, ўғрилиқ каби жиноятларга йўл қўйилмаётгани туфайли кўриқлаш хизматига аҳолининг ишончи тобора ортиб бормоқда.

Кўриқлаш бўлими ходимлари зиммаларидаги вазифани бекаму кўст адо этиш билан бирга туман ҳудудида жамоат тартибини сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳам муносиб ҳисса қўшиляпти. Улар соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда кенг қамровли «Тун», «Меҳмон», «Назорат», «Қидирув», «Спитамен», «Қорадори», «Арсенал», «Орият», «Тозалаш – Антитеррор» тадбирларида ҳам иштирок этишляпти.

Мунтазам равишда профилактика инспекторлари, жамоатчилик вакиллари, «Маҳалла посбони» жамоат тузилма-

си раҳбарлари билан ҳамкорликда туман ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда техник кўриқлаш пунктининг афзалликлари тўғрисида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу, ўз навбатида, кўриқлаш хизматидаги объектлар сонининг ошишига хизмат қилляпти.

Бўлим раҳбарияти томонидан ходимлар ўртасида яқка тартибдаги тарбиявий ишларга алоҳида эътибор берилляпти. Жамоадаги ахлоқий-руҳий муҳитни яхшилаш, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш борасидаги сай-ҳаракатлар хизматдаги муваффақиятлар омили бўлмоқда. Соҳада юқори кўрсаткичларга эришяётган ходимлар моддий рағбатлантириляпти. Бундан ташқари, кўриқлаш хизматида бир неча йиллар хизмат қилиб, ҳозирги вақтда нафақада бўлган фахрийлар, боқувчисини йўқотган оилалардан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш ҳам доимий эътиборда.

Мирзокул ҒАНИЕВ.
Навоий вилояти.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ТАДБИРЛАР ижобий самара бермоқда

Айни кунларда ички ишлар идоралари тизимидаги хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлим-бўлимларида фуқароларимизни замонавий андозаларга тўла мос келадиган биометрик паспорт билан таъминлаш ишлари қизгин давом этмоқда. Бу борада Богот тумани ИИБ паспорт бўлими ходимлари ҳам самарали натижаларни қўлга киритмоқда.



Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида туман ҳудудидаги корхона ва ташкилотларда, муассасаларда, аҳоли тураржойларида текширишлар ўтказилиб, 715 нафар фуқаронинг паспорт тартиботи қоидаларига амал қилмаганлиги аниқланди. Бундай шахсларга нисбатан қонунда белгиланган тартибда маъмурий чоралар кўрилди.

Туман ИИБ ҳамда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тезкор тадбирлар давомида уч нафар чет эл фуқаросининг ноқонуний равишда туман ҳудудида бўлгани

аниқланди. Улар амалдаги қонуннинг тегишли моддасига мувофиқ мамлакатимизда бўлиш, яшаш ва транзит ўтиш қоидаларини қўпол равишда бузганлиги учун республикамиз ҳудудидан чиқариб юборилди.

– Бўлимимизда фуқаролик паспортларини расмийлаштириш учун барча қулайликлар яратилган, – дейди туман ИИБ паспорт бўлими бошлиғи, катта лейтенант Азизбек Ҳринов. – Ходимларимизнинг самарали хизмат қилишлари учун бўлима биноси жорий таъмирдан чиқарилди ва зарур жиҳозлар, замонавий компьютер техникалари билан

таъминланди. Бўлинмаимизга ташриф буюрган фуқароларимиз учун етарли шароитларга эга бўлган кенг ва ёруғ хона мавжуд. Уларнинг узок вақт навбат кутиб қолмаслиги учун барча имкониятларни ишга соляпмиз.

Хизмат ходимлари ёшларнинг ҳуқуқий билимини, дунёқарашини, фуқаролик паспортига бўлган муносабатини шакллантиришга алоҳида эътибор беришмоқда. Ана шу мақсадда ўтказилляётган тадбирларга ички ишлар органлари фахрийлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг етакчи мутахассислари, кенг жамоатчилик вакиллари тақлиф қилиниб, улар ёшларимиз қалбида бу муҳим ҳужжатга бўлган ғурур ва ифтихор туйғусини янада шакллантиришга ҳаракат қилишляпти. Тадбирларда гиёҳвандлик, одам савдоси, диний экстремизм ва терроризм каби хавфли иллатларнинг пайдо бўлишига йўл қўймастик, ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолишининг олдини олиш каби муҳим масалаларга ҳам алоҳида эътибор берилляпти. Ҳамкорликда амалга ошириляётган бундай тадбирлар юрт тинчлигини таъминлаш, жиноят ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

Худойберган ЖАББОРОВ.
Хоразм вилояти.

Суражда: Богот тумани ИИБ паспорт бўлими инспектори, кичик сержант Малика Матниёзова хизмат пайтида.

Баҳодир ҚОЗОҚОВ
олган сурат.

КАСБГА САДОҚАТ – МУВАФФАҚИЯТ КАЛИТИ

Камаши туманида истиқомат қилувчи фуқаро Алишер Жамоловнинг (воқеа иштирокчиларининг исм-шарифлари ўзгартирилган) уйида ўғрилиқ содир этилди. Тўй учун олиниб, омборхонада сақланган катта сифимли идишдаги зиғир ёғи йўқолиб қолди. Хонадон соҳиби бу ҳақда туман ИИБга мурожаат қилди. Жиноят ишини кўриб чиқиш туман ИИБ тергов бўлимида терговчиси, капитан И. Эргашевга топширилди.

Терговчи ишни жабрланувчининг оила аъзолари билан бирма-бир суҳбатлашдан бошлади. Тўй учун зиғир ёғи сотиб олинганидан кимлар хабардор экани билан қизиқди. Суҳбат давомида хонадон соҳиби бундан бир кун олдин қўшни маҳаллада яшайдиган Мансур исмли таниши келганлигини, унинг ташрифидан хурсанд бўлиб тўй учун олган омборхонадаги барча нарсаларни унга кўрсатганлигини, кейин эшикни кулфлаб, калитини чўнтагига солиб қўйганини айтди. Унинг айтишича, шундан сўнг омборхонага ҳеч ким кирмаган. Эртаси кун эса бозордан гуруч, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотларни олиб ке-

либ омборхонага кирганида, не кўз билан кўрсинки, катта идишдаги зиғир ёғи йўқ эди. Қизиги шундаки, хонанинг на эшиги, на ёруғ тушиши учун кўча томондан қўйилган кичкина деразасига зарар етган. Идишдаги ёғ худди шу хонанинг ичида бугланиб кетгандай гўё. Чиндан ҳам ечими йўқ жумбоқ. Лекин дераза ойнасининг пастки қисмидан диаметри тахминан уч сантиметрли жойи синиб, ерга тушиб ётгани зукко терговчининг эътиборидан четда қолмади.

Гумон қилинувчи тариқасида терговга чақирилган Мансур бу жиноятни қилмаганлигини қайта-қайта таъкидлади. Аммо унга диққат билан разм

солган капитан И. Эргашев шимининг пастки ён томонида ёғ изи борлигини пайқайди. Гумон қилинувчи бу доғ ўз уйида овқатланаётган пайтда ёғ томиб кетгани натижасида пайдо бўлганлигини айтди. Бироқ шимдаги ёғ доғи ва омборхонадаги идишда қолган ёғ билан солиштириб текширилганида уларнинг иккаласи ҳам бир хил, яъни доғланмаган зиғир ёғи эканлиги аён бўлди. Қолаверса, ҳеч ким доғланмаган ёғдан таом тайёрламайди.

Келтирилган далиллар олдида ноилоҳ қолган Мансур ўз айбини тан олиб, бўлган воқеани шундай изоҳлади:

– Алишер менга омборхонасидаги тўй учун олинган маҳсулотларни кўрсатди. У ердан кетганимдан сўнг дераза олдида турган ёғни қўлга киритишни ўйлаб режа туздим. Зиғир ёғи савдоси билан шуғулланадиган Азамат исмли кишига унга ёғ керак бўлса, бугуннинг ўзида топиб беришимни айтдим. Бунинг учун катта ҳажмда-

ги идиш ва келишилган миқдордаги пулни олиб уйимга келишини, эрталаб эса олиб кетишини ўқирдим. У ҳамма гапимга ишонди.

Ярим тунда аравага Азамат берган идишни ортиб тўғри Алишернинг омборхонаси жойлашган дераза олдида бордим. Атрофда ҳеч ким йўқ эди. Қўлимдаги болғача билан дераза ойнасининг пастки бурчагини секингина уриб синдирдим. Кейин резина шланкнинг бир учини дераза синигидан зиғир ёғи турган идишга туширдим. Иккинчи учини эса оғзим билан ундаги ҳавони сўриб, арава устида турган идишга солдим. Шунда ичкарида турган идишдаги ёғнинг ҳаммаси санокчи дақиқаларда ташқарида турган идишга ўтди. Иш осон битганидан хурсанд бўлиб уйга қайтдим.

Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, дейишади. Мансурнинг қинғирлиги эса қирқ соатга ҳам бормади. Албатта, у содир этган ўғрилиқни тезкорлик билан

фош қилишда терговчи, капитан Илҳом Эргашевнинг хизмати катта бўлди.

Капитан Илҳом Эргашев ўзининг билимдонлиги, фидойилиги ва масъулиятлиги билан нафақат туман, балки вилоят ички ишлар идораларида ҳам кўпчиликка ибрат кўрсатяётган ходимлардан биридир. У 2010 йили ИИБ Академиясини муваффақиятли тамомлагач, вилоятнинг Муборак тумани ИИБ тергов бўлимида хизмат фаолиятини бошлади. Ишга ўта масъулият билан ёндашиб, зиммасидаги вазифаларни аъло даражада удалади. Шу боисми, уни тез орада вилоят ИИБ тергов бошқармаси терговчиси лавозимга тайинлашди. Бу ерда ҳам ўз устида тинимсиз ишлаб, берилган топшириқларни ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарди. Сабр-тоқат билан қилган изланишлари натижасида кўплаб жиноятлар фош этилиб, қонунбузарларга нисбатан тегишли жазо чоралари қўлланилди. Етарли тажрибага эга

бўлган терговчи айни пайтда Камаши тумани ИИБ тергов бўлимида фаолиятини давом эттирмоқда.

– Капитан Илҳом Эргашев фидойи ходим, самимий инсон, – дейди туман ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Норбек Қобилов. – Ундаги сабр-тоқат, ўз ишига бўлган масъулиятни кўриб, очиги, қувонаман. Ўз ишини яхши кўради, касбини ардоқлайди.

Дарҳақиқат, касбга садоқат муваффақиятлар сари йўл очади, фидойилик инсон умрини безайди. Бу фазилатлар, айниқса, ички ишлар идоралари ходимларининг хизмат фаолиятида юқори натижаларни қўлга киритишида муҳим саналади. Мақолаимиз қаҳрамони капитан, Илҳом Эргашев эришяётган ютуқлар, чунончи, у томонидан тергов қилинган барча жиноят ишлари охирига етказилиб судларга юборилгани, қўшимча тергов учун қайтарилмагани ўз соҳасининг билимдони эканидан далолатдир.

Элбек ЖУМАНОВ,
капитан.
Михли САФАРОВ,
кичик сержант.

Қашқадарё вилояти.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

Президентимиз Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимда 2016 йилни Соғлом она ва бола йили деб эълон қилишни таклиф этгани замирида катта эзгу гоё ётибди.

Умуман, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш мустақиллик йилларида Ўзбекистонимизда амалга ошириб келинаётган сиёсатнинг асл моҳиятини ташкил этади. Инсон манфаатлари тушунчасининг мазмун-моҳиятида эса она ва бола саломатлиги масаласи мавжуд бўлиб, у изчил сиёсатга айланган.

Биргина йилларнинг номланиши ва шу йўналишларда Давлат дастури қабул қилиб, уларни амалга ошириш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, у яққол кўзга ташланади. «Инсон манфаатлари йили», «Оила йили», «Аёллар йили», «Соғлом авлод йили», «Оналар ва болалар йили», «Сиҳат-саломатлик йили», «Ҳомийлар ва шифокорлар йили», «Ижтимоий ҳимоя йили», «Ёшлар йили», «Баркамол авлод йили», «Мустаҳкам оила йили», «Обод турмуш йили», «Соғлом бола йили» Давлат дастурларининг мазмун-моҳиятида ҳам бевосита соғлом она ва бола масаласи кенг қамраб олинган.

Ёдингизда бўлса, «Маърифат маркази» мажмуасидаги Симпозиумлар саройида 2011 йил 25-26 ноябрь кунлари Юртбошимиз ташаббуси билан «Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: «Соғлом она – соғлом бола» мавзусидаги халқаро симпозиум ўтказилди. Бу анжуманда дунёнинг жуда кўп давлатларидан соғлиқни сақлаш вазирлари ва вазир ўринбосарлари, қатор етук клиника ҳамда марказлар директорлари, мутахассислари, академиклар, профессорлар, маҳаллий ва хорижий мутахассислар, шифокорлар қатнашди. Бу унинг нуфузи ва салоҳиятидан дарак бериб турибди. Бу халқаро симпозиумда Президентимиз Ислон Каримов нутқ сўзлади. Анжуманда иштирок этган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директори Маргарет Чен юртимизда амалга оширилган ислохотларга юксак баҳо бериб, асосий ютуқ – бу мамлакатнинг соғлиқни сақлаш соҳасида тўртта тамойилга, яъни давлат сиёсати, инвестицияларни жалб қилиш, кадрлар салоҳиятини ошириш ва Минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишга риоя этилаётганлиги билан боғлиқ эканини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ютуқлари мазкур симпозиумда иштирок этган қирққа яқин хорижий давлат вакиллари томонидан юқори баҳоланди. Шу тариқа мамлакатимизда она ва бола саломатлиги соҳасида эришилган ютуқларни бутун жаҳон эътироф этди. Бу борадаги тажрибаларимизни бошқа мамлакатлар мутахассис ва мутахассислари ҳам ўрганиб кетди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори билан мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари белгилаб берилди. Улар орасида она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш

СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА – МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

тизимини такомиллаштириш масаласи ҳам бор.

Бутун дунёда жамият тараққиётининг даражасини хотин-қизларга бўлган муносабатга қараб белгилаш одат тусини олган. Бу бежиз эмас, албатта. Обод турмушнинг ҳам, оила бахтининг ҳам аёлларсиз, уларнинг иштирокисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шундай экан, турмушимизни янада соғлом, обод қилиш, аввало, аёлнинг жамиятимиздаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, хотин-қизларнинг турли жабҳаларда қилаётган ишларини муносиб баҳолаш, ҳар қайси хонадонда уй бекаси бўлмиш опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш асносида турмушимизни фаровон этиш ҳозирги даврнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб турибди. Ахир, аёл – аввало, она. Хусусан, туғиш ёшидаги аёллар саломатлигида пировардида, юрт келажагини кўриш мумкин.

Хотин-қизлар мамлакатимизда аҳолининг 51,5 фоизини ташкил этади. Мустақиллик йилларида жамиятда хотин-қизларнинг ўрни ва мавқеини янада кучайтириш, саломатлигини таъминлаш, уларга таълим олиши, касб-хунар ўрганиши, меҳнат қилиши, бахтли яшаши, жисмонан соғлом ва ҳар томонлама баркамол авлодни тарбиялаши учун барча шарт-шароитларни муҳайё қилиб беришга қаратилган изчил давлат сиёсати олиб бориляпти.

Давлатимиз раҳбарининг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, «2009 – 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарорлари ижросини таъминлаш борасида юртимизда жуда кўп эзгу ишлар қилинди. Аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича шаҳар ва туман ҳокимликлари ҳузурида ишчи комиссиялар ташкил этилган ва улар қошида махсус жамоатчилик кенгашлари, ишчи гуруҳлари фаолият кўрсатиб келмоқда.

Оилаларни мустаҳкамлаш, никоҳни бекор қилишнинг олдини олиш, ички ва ташқи мигра-



ция ҳолатларини тартибга солиш ҳамда аёлларни уйдан, фарзандлари тарбиясидан узоклашмаслигини таъминлаш ҳам олдимизга қатор муайян вазифалар қўяди. Хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик, оилавий ажрим, фохишабозлик, ўз жонига суиқасд қилиш ҳамда одам савдоси қурбони бўлишнинг олдини олиш, гиёҳвандлик ва ОИТС/ОИВ касалликларни профилактикасига алоҳида эътибор қаратиш, қизларни эрта турмушга бериш, тўй-ҳашам, маърака, маросимларни ихчамлаштиришда жамоатчилик назоратини кучайтиришга эришиш, умумий ўрта таълим мактабларини тугатган қизларни академик лицей ва касб-хунар коллежларига тўлиқ қамраб олиш, оила, аёллар муаммолари билан боғлиқ долзарб масалалар ҳақида жамиятнинг диққат марказида туриши зарур.

Мустақиллик йилларида онг-тафаккуримизда репродуктив саломатлик деган янги тушунча шаклланди. Бу айнан она ва бола саломатлиги дегани. Хўш, Ўзбекистонимизда олиб борилаётган репродуктив саломатлик сиёсатининг туб моҳиятида нималар ётади?

Биринчидан, гарчи, амалдаги қонунчилигимизда қизлар учун 17 ёшга тўлганидан кейин турмушга чиқиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган бўлса ҳам, бу борада тиббиёт илми кўрсатмаларига риоя этган ҳолда 20 ёшга тўлганидан кейин турмушга чиқиш тарғиб қилинган. Чунки шу ёшда қиз ақлан ва жисмонан куч-қувватга тўлади, оналик масъулиятини чуқур англайдиган бўлади, соғлом бола туғиб, уни тарбиялаши учун ҳар тарафлама етуклашади.

Иккинчидан, ҳар бир туғуруқ орасида қамада уч йил танафус бўлиши керак. Шунда она жисмонан ўзини тўла қайта тиклаб олади.

Учинчидан, имкон қадар оналар 30 ёшгача фарзанд кўргани – ҳар тарафлама маъқул. Чунки онанинг айна куч-қувватга тўлган пайтида туғилган болаларнинг соғлиги яхши бўлиши илмий исботланган.

Тўртинчидан, соғлом онадан соғлом бола туғилишини инобатга олиб, аввало, туғуруқ ёшидаги оналарнинг ҳар тарафлама саломатлигини таъминлаш тадбирини кўриш керак.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳаси тинимсиз ривожланиб бо-

раётганини бутун дунё кўриб билиб турибди. Жаҳонда қайси мамлакатда тиббиёт қай даражада раванқ топганини эса, аввало, она ва бола саломатлиги даражасига қараб белгилаш одат тусини олган. Шу жиҳатдан қарайдиган бўлсак, юртимизда мустақиллик йилларида айнан она ва бола саломатлигига эришиш борасида катта ишлар амалга оширилди.

Аммо бу соҳа доимий эътиборни, муттасил такомиллашгани талаб этади. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 2016 йилга Соғлом она ва бола йили, деб ном берилиши ҳаётий эҳтиёж ҳосиласи эканини унутмаслигимиз лозим.

Президентимиз ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунга бағишланган тантанали маросимда яқинлашиб келаётган янги йилга ном берар экан, унинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, шу йўналишда ишлаб чиқариладиган Давлат дастурининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Бу гал ҳам шундай бўлди: давлатимиз раҳбари тантанали маросимда 2016 йилни Соғлом она ва бола йили, деб эълон қилар экан, шу йўналишда кўзда тутилаётган вазифаларни аниқ-тиниқ қилиб баён этди. Уларни ихчам тарзда қуйидагича ифодалаш мумкин:

– оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича шаклланган ҳуқуқий-меъорий базани янада такомиллаштириш, миллат генофондини яхшилаш, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш;

– аҳоли, айниқса, олис ва чекка ҳудудларда, мураккаб иқлим шароитида яшаётганлар, аввало, аёллар учун ижтимоий, маиший, тиббий нуқтаи назардан зарур шароитларни яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосидаги уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш, аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш даражасини юксалтириш борасидаги ишларимизни изчил давом эттириш;

– тиббиёт муассасалари, жумладан, жойларда фаолият кўрсатётган перинатал марказларнинг моддий-техник базасини, уларнинг кадрлар салоҳиятини янада кучайтириш, оилавий поликlinikалар, қишлоқ врачлик пункт-

ларининг иш самарасини ошириш, перинатал ҳамширалар сонини кўпайтириш, акушер-гинекологлар, болалар шифокорларининг малакасини юксалтириш;

– соғлом авлодни вояга етказиш борасида болаларимиз ўртасида жисмоний тарбия ва спортни янада кенг оммалаштириш, шу мақсадда янги спорт объектларини қуриш, уларнинг моддий-техникавий базасини мустаҳкамлаш;

– соғлом ва мустаҳкам оила соғлом келажак пойдевори эканини назарда тутиб, бўлажак келин-куёвларни тиббий кўриқдан ўтказиш бўйича масъулиятни кучайтириш, шу мақсадда тегшли поликlinikаларни замонавий тиббиёт ва диагностика асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш, уларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш;

– касб-хунар коллежлари битирувчиларини, биринчи навбатда, қизларимизни иш билан таъминлашни такомиллаштириш, ўзининг кичик бир хусусий ишини, ўз бизнесини ташкил этишга интилаётган ёшларимизга имтиёзли кредитлар ажратиш, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари бериш борасидаги ишларимизнинг қўламини кенгайтириш;

– аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ошириш, санитария-гиена соҳасидаги ишларни янада кучайтириш, ҳомилдор аёлларни асраб-авайлаш, ёш оналар ва болаларни талаб даражасида парвариш қилиш, уларнинг овқат рациони, унинг сифати ва калорияси каби масалаларга жиддий эътибор бериш;

– оилаларимизда соғлом маънавий муҳитни ташкил қилиш, хусусан, эр-хотин, ота-она ва фарзандлар, қайнона-келин ўртасидаги муносабатлар, қўшничилик муносабатларининг ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат руҳида бўлишига эришиш...

Кўриниб турибдики, қабул қилинажак «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ҳаёт учун ўта муҳим бўлган масалаларни қамраб олади. Энг муҳими, Соғлом она ва бола йилида оналарнинг тиббий онги бир қадар ўсишига ишонамиз. Чунки касални даволагандан кўра, унинг олдини олиш осонроқ. Оналар ва болалар саломатлиги – аввало, оналарнинг тиббий вилли-савиясига боғлиқ. Бетоб оналар ва болаларни даволашнинггина эмас, оналарнинг ўзи ва болалари касал бўлишига йўл қўймайдиган қилиб тарбиялашнинг ҳам ўйлаш керак. Мамлакатимизда йилларнинг айнан аҳоли саломатлигига боғлиқ ҳолда номланиши замирида аҳолининг ўз соғлиги учун ўзи масъул эканини тобора чуқурроқ англаб етишига хизмат қилляпти.

Соғлом она ва бола йили амалда мамлакат халқини яна бир қадар маънавий юксаклик сари етаклаши тайин. Чунки саломатлик – энг катта бойлик. Инсон умрининг узайиши ҳам – аввало, унинг соғлигига боғлиқ. Аҳоли саломатлиги даражаси амалда жамиятнинг маънавий юксаклигидан далолат беради.

Султонмурод ОЛИМОВ,
Тошкент вилояти халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти профессори вазифасини бажарувчиси.

Фахрийлар ҳаёти – ибрат мактаби

ҒАМХЎРЛИКЛАР

ҒАЙРАТ-ШИЖОАТНИ ЖЎШТИРАДИ

Яқунланаётган Кексаларни эъозлаш йилида республикамиз ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилиб, юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашга муносиб ҳисса қўшган фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Айниқса, ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзоларининг бу борадаги ибратли ишларини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги генерал-майор Гафуржон Раҳимов куйидагиларни гапириб берди:

– Кексаларни эъозлаш халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган ва кўп минг йиллардан бери давом этаётган улғун фазиладир. Ёши улғун эъозланган юртининг келажак порлоқ бўлади. Кексаларни эъозлаш йилида юртимизда қарияларга юрсатилган ғамхўрликларни санаб адоғига етиш қийин. Бу борада республика Ички ишлар вазирлигида амалга оширилган ишларни ҳам ҳар қанча эътироф этса арзийди.

ИИБ Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийларини бирлаштирган жамоат ташкилотидир. Ушбу ташкилот фаоллари асосий эътиборни тизимдаги фахрийлар, уларнинг оила аъзолари, хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар идоралари ходимлари ҳамда ИИБ ҳарбий хизматчиларининг оилалари ҳаётида юзага келган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, пенсионерларга моддий ёрдам кўрсатиш, маънавий жиҳатдан уларни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратган. Шу билан бирга, фахрийларнинг, айниқса, I ва II гуруҳ ногиронларининг яшаш шароитларини, ижтимоий аҳволини яхшилаш мақсадида уларга моддий-

роқ этишга жалб қилиш борасида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Яна шуни айтиб ўтиш лозимки, ИИБ барча таркибий тузилмалари, уруш ва меҳнат фахрийлари ташкилотлари, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари, ижодий уюмлар, кўнгилли жамиятлар билан бу йил ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Бош прокуратураси, Олий суди ва бошқа нуфузли идораларнинг фахрийлар кенгашлари, айниқса, республика «Нуруний» жамғармаси билан йўлга қўйилган ўзаро алоқалар, тажриба алмашишлар изчил давом эттирилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, хизмат вазифасини ўташ чоғида ногирон бўлиб қолганлар, боқувчисини йўқотган, ўзгариш кўмагига муҳтож бўлиб қолганларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ва ёш ходимларни тарбиялашда фахрийларнинг бой амалий тажрибаларидан унумли фойдаланиш каби масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда.

ИИБ Фахрийлар кенгаши ҳамда унинг куйи тизимлари фаолиятига вазирлик ва жойлардаги ички ишлар идоралари раҳбариятининг ёрдами

ни кенгайтириш, ёши улғун инсонлар, айниқса, уруш ва меҳнат fronti фахрийларига ижтимоий, тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда ёшларни халқимизнинг кўп асрлик қадрият ҳамда анъаналари руҳида тарбиялашда ички ишлар идоралари пенсионерларининг ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Тошкент шаҳар ИИББ, Жиззах, Сирдарё, Қашқадарё вилоятлари ИИБ фахрийлар кенгашларида олиб борилган ибратли ишлар, айниқса, эътиборга моликдир.

Фахрийларимиз яқунланаётган йилнинг баҳорида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Бош прокуратураси, мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, Ўзбекистон «VETERAN» жангчи-фахрий ва ногиронлари бирлашмаси фахрийлари иштирокида «Кексалар завоки» деб номланган турнирда спортнинг футбол, теннис, стол тенниси, бадминтон, шахмат-шашка, ўқ отиш турлари бўйича ўтказилган мусобақаларда ҳам муносиб иштирок этиб, фахри ўринларни эгаллашди.

Кенгашимиз томонидан



фахрийси жамоат фонди»-ни шакллантиришга самарали ҳисса қўшиб келаётган бошқа шахсларни тантанали равишда тақдирлаш йўлга қўйилган. Йил давомида ўтказилган тантанали тадбирларда ички ишлар идораларининг шахсий таркиби, кенг жамоатчилик ҳам фаол қатнашмоқда. Бундай тадбирлар ёш ходимлар учун ҳалол, Ватанга, хизмат бурчига садоқат билан хизмат қилиш қанчалик улғунлигидан сабоқ берадиган ҳаётий дарсга айланди.

Юртда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, халқ таъбири билан айтганда, жуда савобли ишдир. Айниқса, ҳозирда дунёнинг турли минтақаларида таҳликали воқеалар рўй бериб, турли иллатлар хавф солиб турган пайтда ички ишлар идоралари ходимларига осон бўлмайди. Бунинг учун жамиятдаги жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш, жамоат тартиби ҳамда фуқаролар хавфсизлигини сақлаш, турли хавф-хатарларни бартараф этиш йўлида мардонавор хизмат қилиш керак. Буни биз ёш ходимларга етказишимиз, уларнинг онгига Ватанга, халқига муҳаббат, бурчига садоқат, вазифасига масъулиятли бўлиш тўғрисида сингдиришимиз керак. Шу боис Фахрийлар кенгаши аъзолари томонидан ички ишлар органларида хизмат қилаётган ёш ходимлар билан тарбиявий ишларни амалга ошириш мақсадида Тошкент ва Олмалик шаҳарларида жойлашган Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказлари курсантлари, вазирлик Эксперт-криминалистика маркази ходимлари, ИИБ Академияси ўқув-дала майдонида қайта тайёргарликдан ўтаётган ҳудудий ички ишлар идоралари профилактика инспекторлари, ИИБ Академияси Олий академик курслари тингловчилари билан учрашувлар ўтказилди.

Фахрийларимизнинг жамият фаолиятида фаол иштирок этаётгани алоҳида эътирофга лойиқ. Бугунги кунда 600 нафардан зиёд фахрийларимиз ўзлари истиқомат қилаётган қишлоқ, овул, қўрғон, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари сифатида фаолият кўрсатишяпти. Улар оқсоқоллик қилаётган аксарият ҳудудларда биророрта ҳам ҳуқуқбузарлик қайд этилмади. Шунингдек, фахрийларимиз милиция таянч пунктларида хизмат вазифасини бажарётган профилактика инспекторларига ҳам яқиндан кўмаклашиб, кези келганда, фуқароларга ҳуқуқий маслаҳатлар беришмоқда.

Фахрийларимиздан В. Четвериков табаррук 100 ёшга, С. Агишева 90 ёшга, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси С. Федоров 85 ёшга, Т. Раҳмонов ва М. Писнова 80 ёшга, Р. Фахрутдинов 75 ёшга ва Ф. Юлдашев 70 ёшга тўлиши муносабати билан Фахрийлар кенгаши томонидан муносиб равишда қутланди. Умумхалқ байрамлари арафасида ва бошқа вақтларда марҳум генераллар Т. Жалилов, У. Раҳимов, Ж. Аъзамов, полковник М. Иванов ва бошқаларнинг оила аъзоларига ҳам имконият даражасида моддий-маънавий ёрдам кўрсатилди. Бу эътибор учун улар Фахрийлар кенгашидан миннатдор бўлдилар.

Пенсионерларимизнинг турли масалалардаги муурожаатларига ўз вақтида жавоб берилишини таъминлаш мақсадида вазирлик Фахрийлар кенгашида навбатчилик ташкил этилган. Яқунланаётган йилда юз нафарга яқин пенсионерлар қабул қилинди ва уларни қизиқтирган саволларга вазирлик соҳавий хизматлари билан ҳамкорликда тегишли жавоблар берилди. Зарур ҳолларда ИИБнинг тегишли бошқарма, бўлимларига муурожаат қилиниб, имкони борича ижобий ҳал этиб берилди. Бу борада ИИБ бошқарма-

лари ва олий таълим муассасалари, Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ, Тошкент шаҳар ИИББ, вилоятлар ва Транспортдаги ИИБларидаги фахрийлар кенгашларида ҳам қатор ишлар амалга оширилди.

Таъкидлаш кераки, республикамизнинг турли гушаларида яшаётган, кўп йиллар юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлашдек улғун ишга муносиб ҳисса қўшиб, айна кунларда кексалик гаштини сураётган фахрийларимизнинг ҳаммаси билан ҳам дийдорлашяпмиз, дея олмаймиз. Келгусида амалга оширилаётган ишлар қўламини кенгайтириб, ҳар бир фахрийнинг ҳолидан хабардор бўлиш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаб боришни мақсад қилганмиз. Шу билан бирга, ёшларни Ватанга ва хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги тадбирларни янада жонлантириш, ўзимиз яшаётган қишлоқ, овул ва маҳаллаларда хизмат кўрсатётган профилактика инспекторларига яқиндан ёрдам беришимиз, ички ишлар идоралари ходимларини бой тажрибалардан баҳраманд қилишимиз лозим. Бу ишларимизни Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан «Соғлом она ва бола йили» деб эълон қилинган 2016 йилда давом эттириш учун аниқ мақсадга йўналтирилган режаларни ишлаб чиқдик.

Фурсатдан фойдаланиб, биз – Ўзбекистон Республикаси ИИБ Фахрийлар кенгаши аъзолари мамлакатимиздаги барча ички ишлар идоралари ва Қоровул қўшинлари шахсий таркибини, кўп сонли фахрийларни, хизмат бурчини ўташ вақтида ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларини яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан самимий табриклаймиз. Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилаётган ходимларга шарафли ишларида улкан омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ
ёзиб олди.



маънавий ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, шунингдек, ички ишлар идоралари ва Қоровул қўшинлари сафида узок йиллар хизмат қилиб нафақага чиққан, ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган энг ибратли фахрийларни республикамизда ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, ёш ходимлар ва ҳарбий хизматчиларни Ватанга, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялашда фаол ишти-

катта бўлмоқда. Ички ишлар идоралари томонидан ташкил этилаётган барча тадбирлар фахрийлар иштирокида ўтказилиб, раҳбарият кекса авлодга муносиб равишда ҳурмат-эҳтиром кўрсатяпти.

Шунингдек, жойлардаги фахрийлар кенгашларини тизим пенсионерларининг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш кўлами-

таъсис этилган ИИБ Фахрийлар кенгаши Фахрий ёрлиги ва «ИИБ фахрийси» кўкрак нишони билан ички ишлар идораларида узок йиллар намунали хизмат қилиб, бугунги кунда нафақада бўлган ва фахрийлар ҳаракатини такомиллаштириш, ёш авлоднинг Ватанга муҳаббат, хизмат бурчига садоқат руҳида тарбиялаш ишларида фаол иштирок этаётган фахрийлар ҳамда «ИИБ

Жаҳолатга қарши маърифат билан

ИНСОН ОНГИ УЧУН КУРАШНИНГ ЯНГИ ШАКЛЛАРИ

Инсоният тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қора кучларнинг моддий бойликлар, сиёсий ҳокимият ва бошқа манфаатлар учун ҳар даврда ўзига хос тарзда курашганига гувоҳ бўламиз. Бу курашлар дастлаб қабилалар, кейинчалик эса давлатлар ўртасида урушлар келиб чиқишига сабаб бўлди. XX асрга келиб дунёнинг аксар давлатларини ўз домига тортган, миллионлаб кишиларнинг умрига зомин бўлган I ва II Жаҳон урушлари юз берди.

Бугунги кунга келиб ўзининг кураш турлари ва услубларини такомиллаштириб, геосиёсий ўйинларни давом эттираётган қабил ҳиятлик кимсалар энди бирор-бир давлатни босиб олиб, унинг табиий бойликларига эришиш учун аввалгидек миллионлаб маблағ сарфлаётгани, қурол-яроғ ишлатиб ҳужум қилаётгани йўқ. Балки ўша мамлакатнинг фуқаролари онгини заҳарлаб, уларни маънавияти, тарихи ва ўзликдан айириб, манкуртга айлантириш орқали ўз мақсадларига етишни кўзламоқдалар. Шу сабабли ҳам XXI асрни инсон онги учун кураш асри деб атасак муболаға бўлмайди. Инсонни бошқа жонли мавжудотлардан ажратиш турувчи онгини эгаллашга қаратилган ҳаракатлар турли кўринишларда намоён бўлмоқда. Чунки онгини бой берган инсонни хоҳлаган кўйга солиш мумкин.

Ҳозирда инсонни манкуртга айлантиришнинг бир неча янги кўриниш ва услублари мавжуд. Улар аллақачон ўз самарасини бера бошлади. Инсон онги учун кураш услубларининг такомиллашиши кураш майдонларининг ҳам ўзгаришига олиб келди. Энди аввалгидек бирор-бир давлат ҳудудида эмас, балки оммавий ахборот воситаларининг инсонга таъсир кучидан фойдаланиб, мафкуравий полигонлар яратилди ва кибертерроризмга асос солинди.

Интернет инсоният ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Бугунги кунга келиб дунё аҳолисининг деярли 35 фоизи (2 миллиард 400 миллиондан ортиқ) интернетдан фойдаланиш имконига эга. Мутахассислар томонидан 2020 йилга бориб бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда. **Соҳа вакилларининг тадқиқотлари натижасига кўра, ҳозирда интернет тармоғида маълумотларнинг 70-75 фоизи инсон учун зарар келтирувчи гоялар ҳисобланади. Афсуски, бу нисбат йил сайин ортиб бормоқда.**



Бугунги кунда мафкуравий полигонларда инсон онгини заҳарлаётган бузғунчи гоялар қаторига диний экстремизм, терроризм, миссионерлик, «оммавий маданият» ва турли ахборот ҳужжатларини киритишимиз мумкин. XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида дунё сиёсатчилари орасида «Дунёни ким бошқаради?» деган саволга «Ким темир йўлга эгалик қилса, ўша», деб жавоб берилар эди. Бугун эса бу саволга «Ким ахборотга эгалик қилса, ўша», деб жавоб берсак муболаға бўлмайди.

Дастлаб сиёсий ҳокимият вакилларини йўқ қилиш ёки тинч аҳоли орасида ваҳима чиқариш мақсадида ташкил қилинган террорчилик ҳаракатлари ҳам вақт ўтиши билан ўз кўринишини ўзгартириб, динни ниқоб қилиш орқали глобал даражага кўтарилди. Ушбу муаммо бугунги кунда бутун жаҳонни таш-

80 фоиздан кўпроғи динни ниқоб қилиб фаолият юритмоқда.

Бугунги кунга келиб, турли бузғунчи кучлар инсонларнинг онгини эгаллаб, улардан ўзларининг турли ғаразли мақсадлари йўлида оммавий ахборот воситалари ва интернет ёрдамида таъсир этиш орқали фойдаланиб келишмоқда. **Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда экстремизмнинг турли кўринишларини ўзида ташувчи гоялар тарғиботи билан шуғулланувчи юз мингдан ортиқ сайтлар фаолият олиб бормоқда.**

Мисол учун, ҳозирда интернет тармоғида жаҳонда юз бераётган турли ноҳус ҳодисалар, келажак ҳақидаги мудҳиш таҳлилларни бериш орқали шахс онгига

таъсир қилиб, унга умидсизликка чақирувчи гояни сингдириш орқали ўзини ўзи нобуд қилишга даъват этаётган, бундан ҳам даҳшатлироғи «Ўзгаларни ҳам бу золим дунёдан қутқариш» шиори остида бошқа одамларнинг ҳам ҳаётига зомин бўлишга чақирувчи минглаб сайтлар фаолият кўрсатмоқда. Маълум кучлар томонидан муайян мақсадларга эришиш йўлида ташкил этилган мазкур сайтларнинг аксар таъсири ҳозирча индивидуализм гоялари ҳукмрон бўлган жамиятларда инсоний қадриятлар, оила институти, ўзганинг дарди билан яшаш, жамоа манфаатларини шахсий манфаатлари билан уйғун ҳолда кўриш каби эзгу қадриятлар-

нинг йўқолиб бориши билан изохлаш мумкин.

Диний-экстремистик ташкилотлар қаторида миссионерлик билан шуғулланувчи турли секталар ҳам инсон онгини эгаллашда интернет тармоғидан фойдаланиб келмоқда. Улар ўзларини безор, инсонларга ёрдам беришни олдига мақсад қилиб кўйгандек кўрсатсалар-да, бу бузғунчиларнинг асл мақсади бутунлай бошқа.

Оммавий ахборот воситаларида миссионерлик фаолиятини амалга оширувчи сайт ва каналлар кўпчиликни ташкил қилади. Айниқса, сунъий йўлдош орқали эфирга узатиладиган минглаб каналларда тўхтовсиз равишда миссионерлик ва прозелитизм билан шуғулланувчи ташкилотлар ўзларининг тарғибот-ташвиқотларини олиб бормоқда. Шунингдек, бугунги кунда инсонийликка бутунлай зид, ёвузликка асосланган шайтоний секталар фаолияти ҳам жадаллашмоқда.

Бу каби секталар қаторига 1966 йилда Антон Лавей томонидан асос солинган «Шайтон черкови» (Church of Satan) ташкилотини мисол қилиб келтириш мумкин. Мазкур шайтонпарастлар-



нинг расмий сайтлари ва унга эргашувчи турли гуруҳларнинг интернет саҳифалари орқали ҳар қандай дин ва эзгу гояларга қарши қаратилган ёвузлик, зўравонликни тарғиб қилувчи, шайтонга сизинишга чорловчи таълимотлар берилмоқда. Аёлларни зўрлаш, порнографик материалларни кўриш ва тарқатиш, рок мусиқалари орқали жазавага тушиш, оммавий зино қилиш каби инсониятни тубанликка олиб борувчи бу каби ишлар ташкилот аъзоларининг кундалик маросимлари ва «ибодатлари» ҳисобланади. Махфий равишда уюштириладиган маҳсус йиғилишларда эса одам ўлдириш ва бокира қизларни зўрлаш орқали шайтонга яқинлик ҳосил қилишга интилишади. Бу каби ваҳшиёна қабилчиликлар билан шуғулланувчи ташкилотларнинг ўзини бутунжаҳон инсон ҳуқуқлари ҳимоячиси сифатида кўрсатаётган баъзи давлатлар томонидан «демократия» либоси остида дин деб қабул

қилиниб, рўйхатга олиниши ажабланарли ҳолдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда турли гуруҳ ва оқимлар томонидан диний экстремизм ва ақидапарастликни тарғиб қилишда, жамиятда норозилик кайфиятини тарқатишда ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланилмоқда. Интернет орқали суҳбат олиб бориш жараёнида ёшларга «куфр диёри», «ҳижрат», «жиҳод», «шаҳидлик», «халифаликни тиклаш» каби гояларни нотўғри талқин қилиб, улар турли тўқнашув ва низо ўчоқларига жалб қилинмоқда. Айрим кучларнинг ноғорасига ўйнаётган диний-экстремистик ва террорчи оқимлар томонидан маҳсус жойларда «амалиёт»ни ўтаб келган ақидапараст, дийдаси қотган, мустақил фикрлашдан маҳрум, раҳнамоларининг ҳар қандай буйруқларини кўр-кўрона қонун деб билувчи зомби жангарилардан тинч минтақаларда ҳам турли низолар ва беқарорликларни келтириб чиқаришда фойдаланиш мақсади бугун кўпчиликка аён ҳақиқатдир.

Интернет тармоғининг чегара билмаслиги, сунъий йўлдош орқали эфирга узатиладиган фазовий каналларга тўсиқ қўйишнинг иложи йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги кунда бу каби бузғунчи гоялардан аҳолини, хусусан, ёшларни асраш учун уларда бу каби ёт гояларга қарши маънавий иммунитет ҳосил қилиш, интернет ва оммавий ахборот воситалари орқали мазкур гуруҳларга асосли раддиялар бериш, соф диний таълимотларни ёшларга етказиш, уларни ватанпарварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги яққол намоён бўлди.

Ёшларни муқаддас диний таълимотларимиз ва қадриятларимиз, ота-онага ҳурмат, халқ дарди билан яшаш, оилани муқаддас деб билиш, келажакка умид кўзи билан боқиш каби эзгу тушунчалар руҳида тарбиялаш бугунги куннинг долзарб вазифасига айланди, десак муболаға бўлмайди. Диний экстремизм ва терроризмга қарши курашда барчамиз ўз бурчимизни ҳис этишимиз, огоҳ бўлишимиз, Ватанимизнинг келажаги учун масъул эканлигимизни унутмаслигимиз лозим.

Беҳзод СОИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
хузуридаги Дин ишлари
бўйича кўмита етакчи
мутахассиси.

ОЙЛИК ЯКУНЛАНДИ, ТАДБИРЛАР ДАВОМ ЭТАДИ

(Давоми. Бошланиши
1-бетда).

Олиб борилган профилактик тадбирлар жараёнида 594 мингга яқин камчиликлар аниқланиб, уларнинг қарийб 80 фоизи бартараф этилди, ёнғин хавфсизлиги талабларини бузган 9132 нафар раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилди.

Корхона, ташкилот ва муассасаларда, фермерлар уюшмалари ҳамда турли тадбиркорлик объектларида ишчи-хизматчилар билан учрашувлар, суҳбатлар уюштирилди. Жойларда 41 мингдан зиёд ёнғин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди. Ёнғин хавфидан хабардор қилувчи ҳар хил плакат ва эслатмалар ишлаб чиқилиб, шаҳар ва туман марказий кўчаларига, аҳоли кўп тўпланадиган жойларга жойлаштирилди.

Ҳокимликлар ва ташкилотлар ҳузурида тузилган комиссияларнинг ойликнинг ҳар ўн кунлиги якуни бўйича ўтказилган йиғилишларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга масъулиятсизлик билан ёндашган 1800 нафардан ортиқ раҳбар ва жавобгар шахсларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди, хусусан, ўттиз нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Иқтисодий тармоқларида катта ўрин тутган ва ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектларда ёнғинларнинг олдини олиш долзарб вазифалардан би-

ридир. Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ана шундай объектлар хавфсизлигини таъминлаш йўлида бор куч ва имкониятларини ишга солишмоқда. «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида бу яққол кўзга ташланиб турди. Жойлардаги ёнғин хавфсизлиги қисмлари ходимлари томонидан мазкур объектларда текширув ва ёнғин-профилактика кўриклари ўтказилди, ишчи-хизматчилар билан учрашувлар ташкил этилди. Мазкур тадбирлар пайтида ишчи-хизматчиларга ёнғинларга сабаб бўлувчи омиллар ва уларни бартараф этиш чоралари бўйича йўл-йўриқлар берилди.

Шулар билан бирга, ойлик давомида ўта муҳим давлат аҳамиятига молик ёки ёнғин ва портлаш хавфи юқори бўлган объектлар тўртта ёнғин ўчириш автомобибли, иккита мотопомпа, ўн беш дона газ ва тутундан ҳимоя аппаратлари, иккита сув тортиш насоси, ўттиз минг метрга яқин энгликлар, 132 та ёнғинга қарши қалқон ва 3189 та ёнғин ўчиргич, 55,3 тонна кўпик ҳосил қилувчи суюқлик билан таъминланди. Шунингдек, объектларнинг 27 та бино ва иншооти ёнғин ўчириш қурилмалари билан жиҳозланиб, носозлари таъмирланди. 235 та бино ва иншоот ёнғин ҳақида автоматик равишда хабар берувчи мосламалар билан жиҳозланди, носоз ҳолда бўлганлари таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» даврида таълим ва тиббиёт муассасаларида ёнғин хавфсизлигини таъминлашга бағишланган кўплаб тадбирлар ўтказилди. Хусусан, мактабларда ўқувчилар иштирокида



ёнғин хавфсизлигини таъминлашга оид машқ ва машғулотларнинг ўтказилгани уларнинг фавқулдда ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш лозимлиги ҳақидаги тушунчаларини бойитди. Шунингдек, барча



мактабгача таълим муассасаларининг ёнғинга қарши ҳолати ўрганиб чиқилиб, 14 минг нафардан ортиқ болалар ва тарбиячилар иш-

тирокида учрашувлар, фавқулдда ҳолатларда захира чиқиш йўлларидадан фойдаланишга бағишланган машқлар ўтказилди. Ёнғин хавфсизлиги қоида ва талабларини янада кенгроқ тарғиб қилиш мақ-

садида мактаб, мактабгача таълим ҳамда бошқа таълим муассасаларида 3460 марта болалар иштирокида викторина ва танловлар ташкил этилди.

Тиббиёт муассасаларида ўтказилган текши-

ошириш лозимлигини кўрсатди. Бинобарин, ёнғинларга олиб келувчи омилларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар самарадорлигини оширишда фуқароларнинг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шулар билан бир қаторда ходимларимиз томонидан ёнғин, авария ва бошқа фавқулдда ҳодисалар содир бўлганда қутқарув ишларини ташкил этиш бўйича маҳаллаларда, даволаш масканларида, таълим муассасаларида ҳамда бошқа объектларда 384 марта ёнғин ўчириш амалий тактик машқлари, 3897 мартаба кўргазмали машғулотлар ўтказилди.

Шу ўринда мамлакатимиздаги йирик корхоналарда тузилган ёнғин ўчирувчилар кўнгилли дружиналари гуруҳлари фаолияти ойлик давомида анча кўзга кўринганини, гуруҳ аъзолари ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларига катта ёрдам берганлигини таъкидлаш жоиз. Улар нафақат профилактик тадбирларда, шунингдек, жойларда аниқланган камчиликларни бартараф этишда ҳам фаоллик кўрсатишди.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» тадбири давомида фуқароларнинг ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасидаги билим савиясини ошириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилди. Мар-

казий ва маҳаллий телевидениелар орқали кўрсатувлар ташкил этилди, ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мавзусидаги роликлар, титрлар намойиш этилди, марказий ва маҳаллий радио тармоқларида мунтазам эшиттиришлар олиб борилди, газеталарда мақолалар чоп этилди.

Амалга оширилган тадбирлар ва кўрилатган чоралар ҳар йилгидек ўз самарасини бериб, «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида содир бўлган ёнғинлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 49 фоизга, фуқароларнинг тан жароҳати олиши 74 фоизга камайишига эришилди.

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» шунчаки ҳар йили ўтказилиши лозим бўлган расмий тадбир эмас, балки у моддий ва маънавий бойликларимизни ёнғинлардан муҳофаза қилиш, бу борада фуқароларнинг масъулиятини кучайтиришга қаратилган муҳим тадбирдир. Шу нуқтаи назардан айтганда, кўзланган мақсадга эришилди, дейиш мумкин. Зеро, ойлик доирасидаги тадбирлар меҳнат жамоалари мутасадди раҳбарлари, ишчи-хизматчиларида масъулият уйғотди, фуқаролар ўз мулкларини ёнғиндан муҳофаза қилишга ҳамиша масъул эканлигини ҳис қилдилар. Бу энг муҳим натижадир.

Исмоил ШАРИПОВ,
ИИБ ЁХББ бошлигининг
биринчи ўринбосари,
полковник.

ФАОЛЛИК УЧУН РАҲМАТ

«Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» давомида ички ишлар идоралари ёнғин хавфсизлиги хизматининг масъул ходимлари, мутахассислари номидан кўплаб мактублар олинди. Уларда ойлик доирасида ўтказилган тадбирлар, мутасадди идора ва ташкилотлар, маҳаллий ҳокимликлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳақидаги хабарлар, суратлар акс этган.

Хусусан, **Навий вилояти ИИБ ЁХБ ёнғин ўчириш штаби бошлиғи, подполковник Н. Қодиров**нинг мактубида вилоятдаги саноат корхоналарида ойлик тадбирининг бориши, ҳарбийлаштирилган ва касбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмлари ходимлари томонидан олиб борилаётган ишлар

ёритилган. «Шўртангаз» масъулияти чекланган жамияти бош иншооти объектларини ёнғиндан муҳофаза қилувчи **4-ХҲХО 6-ХҲК бошлиғи ўринбосари, капитан А. Хушвақтов** юборган мақолада эса ойлик жараёнида асосий эътибор профилактик тадбирларга қаратилаётгани, шунингдек, ишчи-хизматчилар иштирокида амалий машқлар ўтказилаётгани хабар қилинган. **Бухоро**

нефтни қайта ишлаш заводи бўлинма бошлиғи С. Очиловнинг мақоласида заводнинг цех ва бўлинмаларида ўтказилган текширувларда ёнғин моддаларни сақлаш қоидаларига риоя этилиши-

ни таъминлаш муҳим вазифа экани таъкидланади.

Самарқанд вилояти ИИБ ЁХБ муҳандислари – сержантлар Т. Сатторов ва Р. Аҳмедов

томонидан юборилган суратли мақолада айрим фуқаролар хонадонларида қўлбола электр ва газ печлари, иситиш мосламаларидан фойдаланилаётгани ҳолатлари аниқланиб, тегишли чора кўрилгани маълум қилинган.

Бухоро вилояти Жондор тумани ИИБ ходими, катта лейтенант Б. Назаров ойлик давомида туман ҳудудидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда, маҳаллаларда ўтказилган давра суҳбатлари ҳақида хабар берган.

Шунингдек, **ИИБ ЁХББ катта муҳандиси, капитан Ж. Гафурбеков, Жиззах вилояти ИИБ ЁХБ катта муҳандиси, катта лейтенант О. Холматов, Қашқадарё вилояти ИИБ ЁХБ муҳандиси, сержант Н. Хидиров, Бухоро шаҳар ИИБ ЁХБ 1-ХҲХО катта муҳандиси Ҳ. Шуқуров, 2-ХҲХО катта муҳандиси, сержант М. Қодиров, Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЁХБ инспектори, кичик сержант А. Тўраев** ва бошқалардан ҳам мактублар олинди. Бироқ уларнинг ҳаммасини газета саҳифаларида чоп этишнинг имкони йўқ. Қимматли вақтларини аямай муҳим тадбир ҳақида хабарлар, мақолалар ёзиб, таҳририятга йўллаган барча муаллифларга миннатдорлик билдирамыз.

Садриддин АБДУЛЛАЕВ.



ҚИДИРИЛМОҚДА

Жиноят содир этиб, тергов идораларидан яшириниб юрган куйидаги шахслар Тошкент вилояти Бекобод шаҳар ИИБ томонидан қидирилмоқда:



Азиз Камолiddинович СИРОЖЕВ. 1988 йилда туғилган. Бекобод шаҳар 12-мавзе 60-уй 21-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми ва 244²-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.



Абдухалил Кодирович САФАРОВ. 1968 йилда туғилган. Бекобод шаҳар Холиков кўчаси 6-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 216-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Асрор Аброр ўғли СОЛИЕВ. 1993 йилда туғилган. Бекобод шаҳар 13-мавзе 39-уй 2-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Наргиза Курбоналиевна САЙДУЛЛАЕВА. 1981 йилда туғилган. Бекобод шаҳар 14-мавзе 26-уй 54-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Юсуфжон ОСИМОВИЧ ТУРСОНБОВ. 1969 йилда туғилган. Тожикистон Республикаси Сўғд вилояти Исфжор қишлоғида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 164-моддаси 4-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Шербекжон Бобокулович ТУРАЕВ. 1988 йилда туғилган. Тожикистон Республикаси Хатлон вилояти Панж туманида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.



Марат Анаяттович КУРБОНОВ. 1966 йилда туғилган. Тошкент шаҳар Миробод тумани С. Азимов кўчаси 72-уй 15-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми «а», «в», «г» бандлари ва 3-қисми «а» бандида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Инсон азалдан қулликка қарши курашиб келади. Бу кураш кўпинча ижобий самара берди. Натижада одамнинг одам томонидан хўрланиши тарихнинг ачиқ хотирасига айланди. Бугун эса дунёнинг айрим мамлакатларида ана шу хотиралар қайта бўй кўрсатган, инсон қадрни топталган баъзи ҳолатларга дуч келмоқдамизки, одам савдоси аталмиш ушбу қабиҳлик гирдобини юртдошларимизни-да ўз домига тортаётгани ачинарлидир.

Акмалжон Расулов (исм-шарифлар ўзгартрилган) асли Асака туманидан. Аммо Қозоғистон Республикаси фуқаролигини олиб, Чимкент шаҳрида муқим яшаётганига анча йил бўлди. Онда-сонда туғилиб ўсган қишлоғига келиб-кейтишини ҳисобга олмасак, бу юртдан оёғи тинган. Бу гал ҳам уни она юртига яқинларининг соғинчи эмас, балки тирикчилик истаги бошлаб келди, десак, хато бўлмайди.

Хуллас, Акмалжон Асакага келди-ю, «ов»ни яқин таниши Дилмуроднинг тўйидан бошлади. Пахтаобод туманида яшовчи бу таниши шу кеча қизини турмушга узатаётгани.

– Оббо, дўстим-ей! – унга юзланди Дилмурод меҳмонлардан бироз холи бўлган дам. – Шундай қилиб, Қозоғистонда яшайман, дегин? Асакада кўринмай қолди, десам, у ёқларда кўним топиб қолибсан-да, а дўстим?

– Ҳа, нимасини айтасан! – кўзида мамнулик ифодаси билан гап бошлади Акмалжон. – Ишларим яхши, таниш-билишларим кўп, оилам тўқ. Менга яна нима керак? Ўзимдан ортиниб, ўзгаларга ошириб юрибман-да. – Тушунмадим? – унинг сўзини бўлди дўсти. – Ўзгаларга ошириб юрибман, дейсанми?

– Албатта! Ўзингдан қолар гап йўқ, ҳозир кўпчилик хорижда ишлаб, мўмай даромадга эга бўляпти. Нима, улар ўз-ўзидан иш топяпти, деб ўйлайсанми? Менга ўхшаганларнинг ёрдами туфайли бири икки бўляпти, билсанг. Боя айтганимдек, танишларим кўп. Қурилиш ташкилотлари ишчи кучи керак бўлса, менга юзланади. Ҳар са-

фар Асакага келсам, ўн-ўн беш йигитни ўзим билан олиб кетиб, иш билан таъминлайман. Ҳа энди, юртдошларимиз кўп пул топса, чиройли уйлар курса, мана, сенга ўхшаб тўйлар қилса, ҳаммамизга яхши-ку, тўғрими? – Тўғри...

– Менга қара, Дилмурод, ўзингнинг ишларинг қалай? Тўй қиламан, деб белинг эгилиб кетмадим, ишқилиб?

– Ҳа энди, тўй бўлади-ю, бел эгилмайдими, дўстим, – мийғида кулимсиради Дилмурод. – Элга ош беришнинг ўзи бўлармиди! Ўзи шу тўйни деб бироз қарз кўтаргандим. Энди уни қандай узаман, деб тургандим, сенинг гапларинг жонимга сал оро киргандек бўлди-да, ошна. Хуллас, мени ҳам ўзинг билан бирга олиб кетсанг. Танишларим кўп деяпсан, тайинли иш топиб берсанг, уч-тўрт сўм топиб, қарзларимдан қутулиб оларимдим... Тўғри, бу ерда ҳам кам бўлмаяпман, лекин у ёқларда пул топиш осонроқ, дейишади-да.

– Энди дўстим, пул топиш ҳамма жойда ҳам қийин, – тушунтирган бўлди Акмалжон. – Лекин ишлаган кам бўлмайди. Оддий мисол, бирорта қурилишда ишласанг ойига 400 АҚШ доллари миқдоридан маош олишинг мумкин. Агар шу ҳақ сени қониқтирса, майли, танишларим билан боғланиб, сенбоп бирорта иш топармиз.

Шу куни Дилмурод тўйни зўр кайфиятда ўтказди. Келгусида топиши мумкин бўлган катта даромадга умид қилиб режадан ташқари харажатларга ҳам қўл урганини билмай қолди.

Орадан бир-икки кун ўтгач, Дилмурод Акмалжонни ўз уйига таклиф қилди. Катта хонага тўпланган ўн чоғли киши қуршовида қолган меҳмон Дилмуродга савол нигоҳи билан қаради:

– Тушунмадим, бу тўйдан кейинги базмми?

– Йўқ, бу «маслаҳат оши», – ҳазилнамо жавоб берди мезбон. – Ўша кунги гапларингдан кейин хотиним билан маслаҳатлашиб, сен билан кетишга аҳд қилдим. Бундан хабар топган ошна-оғайнилар, қариндошлар,

кўриб турганингдек, бизни ҳам ўзингиз билан олиб кетасиз, деб туриб олишди. Бу ёғига энди ўзинг қўллаб юборасан-да, дўстим.

Режаси иш берганидан ичидан қувониб турган Акмалжон имконни қўлдан бергиси келмади:

– Инсондан яхшилиқ қолади. Шу илтимосингизни ижобат эта олмасам, Қозоғистонда нима

қолмаслиги керак. Шунинг учун аванс тариқасида ҳар бирингизга пул бераман. Лекин биринчи ойлик маошингизни олишингиз билан қарзларни тўлашингиз шарт.

– Энди ошна, сўраганинг айби йўқ, – унга юзланди Дилмурод. – Шу десанг, аёлларимиз бироз хавотирда. Ишқилиб, алдаб кетмасмикин, пулингизни вақтида берармикин, шароит-

ҲАР ЕРНИ



қилиб юрибман ўзи, тўғрими? Шундай экан, тайёргарликни кўраверинглар, эрта-индин кетамиз.

– Ўзи нима иш қиламиз? – сўроққа тутди даврадагилардан бири.

– Асосан қурилишда ишлайсиз. Ётоғи тайин, хоналар иссиқ. Уч маҳал иссиқ овқат берилади. Иш жойингиз ётоқхонадан узокда бўлгани учун автобусда элтиб қўйишади. Маошингиз 400 АҚШ доллари. Бирон муаммо бўлса вақтида ҳал қиламиз. Мабодо, иш ёқмаса уйга қайтишингиз мумкин. Ҳа, айтганча, манзилга етиб олгунча бўлган барча харажатларни ўз бўйнимга оламан. Кўриб турибманки, аксариятингиз оила бошлиғига ўхшайсизлар. Сиз ишлаб, пул топиб уйга жўнатганингизга қадар аёлингиз рўзғор тебратишга қийналиб

лари қанақа экан, деб сўрай-вериб жонимизга тегишди. Биласан, ҳозир кўпчилик хорижда ишлайман, деб алданиб қоляпти. Маҳалламиздан бир-икки йигит ҳатто қайтишга пул топа олмай, бегона юртларда хорзор бўлди-да. Шунга...

– Жуда қизиқсан-да, оғайни, – жавоб берди Акмалжон. – Мен келиб-келиб ўз ватандошларимни алдаримдим. Қолаверса, ҳеч бирингизни мажбурламайман. Ким ишонса, кимга кўп пул керак бўлса борсин, бўлмаса, менга фарқи йўқ.

– Ишонамиз, ака, – деди мўмай даромад илинжидаги ёш йигитлар унинг айниб қолишидан чўчиб. – Бизга яхшилиқ қилмоқчи эканингиз гап-сўзингиздан аён бўлиб турибди-ку, ахир. Шунинг учун ҳам ўзингизни ерга қаратмаймиз. Бизга ёрдам берсангиз, кўп пул тўланадиган

Жиноятга жазо

ЕМОҚНИНГ

Ҳеч кўчат ўтказганмисиз? Агар уни экаётганингизда, тўғрилаб, тагини мустаҳкам-ламасангиз, кун келиб ниҳол дарахтга айлангач, қийшиқ ўсиши турган гап. Фарзанд ҳам шундай. Башарти, болалигиданок тўғри тарбия берилмаса, унинг юксак маънавиятли, баркамол инсон бўлиб вояга етиши амримаҳол. Қуйида келтириладиган воқеа бунинг тасдиғидир.

Янгиерлик Фозил (исм-шарифлар ўзгартрилган) ёш бўлса-да, бир неча марта суд томонидан унга тегишли жазо берилди. Аммо бундан ўзига тегишли хулоса чиқармади. Бир йиллик синов муддати жазосини ўтаб улгурмай, яна бир жиноятга қўл урди. Ўрганган кўнгил ўртанса қўймас, деганларидай, уни яна ўғрилиқнинг хумори тутди.

Фозил ташқари совуқ бўлишига қарамай, кўчага чиқди ва бозор томон йўл олди. Қўлини чўнтагига тикқанча бемақсад узоқ тентиради. Бозор дарвозаси ёнида хорижий русумдаги юк автомашинасига кўзи тушди. Бекорчиликданми, ё қизиқиш сабабми, машинани айланиб, томоша қилди. Шу пайт автоуловнинг орқа ўриндиғидаги елим халтага ўралган бир ўрам пулга кўзи тушди. Машинанинг орқа

эшигини очиб, пулларни олганча, биров кўриб қолишдан чўчиб, шоҳбекат томон шошилди. Бу ерда турган қиракашнинг ёнига яқинлашди:

– Ассалому алайкум! Ака, шу ерлик Азиз таксичининг уйини биласизми?

– Ҳа, биламан. Нима эди? – сўради қиракаш йигит.

– Илтимос, мени унинг уйига олиб бориб қўйинг, сўраган пулингизни бераман, – деди Фозил атрофга аланглаб.

Қиракаш йигит рози бўлиб, машинасини ўт олди.

Айтилган манзилга етиб келгач, Фозил атрофга яна бир қур назар ташлаб, Азизнинг уйига йўл олди. Одатдаги салом-алиқдан кейин ўғирлаган пулларни ерга тўқди. Боғлам-боғлам пулни кўрган Азизнинг кўзлари ўйнаб кетди:

– Бунча пулни қаердан олдинг?

– Ака, каллани ишлатиш керак! Овим бароридан келди, ўғирладим, аммо сана-

ганим йўқ, қанчалигини билмайман, – деди Фозил тиржайиб. Кейин пул тахламидан 150 минг сўмни ажратди.

– Азиз ака, бу сиздан сотиб олган телефон аппаратимдан қолган қарзим, – деб пулни унга узатди. – Майли, мен энди уйга бора қолай.

– Шошма, мана калит, бориб машинани қиздириб тур, мен ҳозир чиқаман. Шавкатни чақирамиз, бир базму жамшид қилайлик.

Фозил ўғирланган пулларни сумкасига солиб, машинанинг юкхонасига ташлади. Машинани ўт олдириб, қиздиргунча Азиз ҳам чиқди.

– Кетдикми, ака?

– Шошма, Шавкатга кўнғироқ қилайлик, қаерда экан? – Азиз Шавкатнинг рақамини терди. Гаплашиб бўлгач эса Фозилга юзланди: – Тошкентда экан, машинасига эҳтиёт қисм сотиб олиш учун борибди. Баҳонада пойтахтни бир айланиб келар-

Оғир жиноят

ишга жойлаб қўйсангиз бўлгани, ака.

– Яхши! Ундай бўлса вақтни ўтказишдан фойда йўқ. Эртага эрталаб йўлга тушамиз.

Шундай қилиб, Акмалжон Дилмурод бошчилигидаги ўн нафар йигит билан Чимкент шаҳрига етиб келди. Машина мўъжазгина ҳовли қаршида тўхтади. Йигитлар йўл юриб хориганлари боис Акмалжон-

чора, бир ўринга икки киши жойлашишига тўғри келади.

Хали тонг ёришиб улгурмаганди. Йигитлар йўл юриб чарчаганликлари боис тошдек қотиб ухлашди.

– Нима бало, санаторийдан, деб ўйлапсанларми? Қани тур ҳамманг, ишга кеч қоляпмиз, – Манаснинг газабли овози хонадагиларни жойидан кўзғатиб юборди.

шароитлари яхши, деб олиб келишганди.

– Бас қилинглар, – Дилмуроднинг сабри тугади. – Кемага тушганнинг жони бир. Биз мураса қилишимиз керак. Ҳозир баҳслашишнинг пайти эмас. Ким қандай эпласа шундай ухласин. Нима бўлганда ҳам ухлашимиз, куч йиғишимиз керак. Эрталаб вақтли турамыз. Муаммоларни эса эрта-индин

– Шошманглар, қани, эртага Манас билан гаплашиб кўрай-чи. Эртаси куни Дилмуроднинг сўзларини эшитган Манаснинг фиғони фалакка чиқди:

– Нима? Уйга кетармиш? Қанақа уй? Бу ерда мен хўжайинман, шуни биласанларми? Мен қачон рухсат берсам, шунда кетасанлар.

– Лекин йигитларнинг соғлиги ёмонлашяпти. Ишга ярашмаяпти, – тушунтирмоқчи бўлди Дилмурод.

– Бу мени қизиқтирмайди. Сенлар учун харажат қилган пулимни ишлаб топмагунларингча ҳеч кимга рухсат йўқ.

– Пул? Қанақа пул? – хайрон бўлди Дилмурод. – Сендан қарзимиз йўқ.

– Нима, Акмалжон оиланга бериб келган юз минг сўм, сенлар учун тўлаган йўлқираси, овқат пули, буларнинг ҳаммаси осмондан тушганмиди? Ахир, ўша пулни мен берганман-ку. Бундан ташқари, ҳар бирингни неча пулдан сотиб олганимни биласанми? Хуллас, гап битта! Қарзларингдан қутулмас экансанлар, уйга қайтишни орзу ҳам қилмаларинг...

Шу тариқа уч ой ўтди. Оғир меҳнат, нобоп шароит, энг ёмони, руҳий зўриқиш уларнинг силласини қуритди, ҳолдан тойдириб, турли дардларга мубтало этди. Бу ҳолат ҳали анча вақт давом этиши, охири аянчли яқун топиши мумкин эди. Яхшиямки, йигитларнинг икки нафари оила аъзоларига қўнғироқ қилиб, вазиятдан огоҳ этишди. Зудлик билан етиб келган уларнинг ота-оналари Манас сўраган пулни бериб, фарзандларини олиб кетишди. Қолган йигитлар-чи, дейсизми? Уйга эсон-омон етиб келган йигитлар ички ишлар идораларига мурожаат қилишди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар натижасида қолган юртдошларимиз ҳам қуллик исканжасидан озод этилди. Яқинда бўлиб ўтган суд муҳокамасида эса ушбу жиноятга алоқадор шахслар қилмишига яраша муносиб жазоланди.

Иқболиддин КЕТМОНОВ,
подполковник.

Саминжон ХУСАНЗОДА,
журналист.

Андижон вилояти.

ҚИЛМА ОРЗУ...

нинг уйини кўриб, антикиб кетдилар. «Хайрият, – ўйлашди улар, – энди бироз дам олиб, овқатланиб олишимиз мумкин».

– Мен жуда чарчадим, – Акмалжон йигитларга юзланди. – Бир-икки кун дам олиб, ортингиздан етиб бораман.

Шу пайт уларнинг ёнига келиб тўхтаган машинадан Дилшод исмли йигит тушди-да, Акмалжон билан кучоқ очиб, саломлашди:

– Э, акажон, бормисиз! Одамни соғинтириб юбордингиз-ку!

– Ҳа энди, сизга ишчи кучи олиб келаман, деб бироз қолиб кетишимга тўғри келди-да, ука.

– Яхши, ака. Нима қилдик, кетаверамизми? Бизга рухсат бўлмаса.

Дилшод йигитларни Остона шаҳрига олиб борди. Бу ерда уларни Манас исмли қозоқ йигити кутиб олди.

– Мана сизнинг ётоқхонангиз, – таништира бошлади у икки қаватли бинога ишора қилиб. – Хоналар иссиқ, овқатингиз тайин. Иш жойингиз анча олисда. Шунинг учун эрталаб вақтли йўлга чиқасиз.

Йигитлар жойлашган хоналар ҳақиқатан ҳам иссиқ эди. Бу уларни хурсанд қилди, албатта. Бироқ севинчлари узоққа чўзилмади. Чунки хоналардаги қаравотлар сони кам эди. Бу ҳам етмаганидек, улардан аввал келган ишчилар жойларни банд қилиб бўлишган эди. На-

Курилиш объекти ростдан ҳам узоқда экан. У ерга етиш учун ўн километр масофани босиб ўтишга тўғри келди.

– Мана, шу тўққиз қаватли бино ихтиёрингизда, – деди Манас йигитларга. – Биринчи қаватдан бошлаб суваш, эшикромларни ўрнатиш, хуллас, ҳамма ишларни бажарасиз. Қани, ишни бошланглар.

– Овқатланмаймизми? – сўради ёш йигитлардан бири.

– Овқатланиш учун вақтли туриш керак эди.

Йигитлар ишга киришдилар. Кун давомида меҳнат қилиб, ҳолдан тойган йигитлар автобуснинг охира одимлашидан ҳам ҳузур топганча мудрай бошлашди. Ахир, улар учун ҳозир энг яхши ҳузур-ҳаловат ухлаш эди-да.

Ётоқхонага етиб борганларида эса баъзи жойлар банд эканлигини кўриб хайрон бўлишди.

– Бир ўринда икки киши навбати билан ухлаймиз, – тушунтирди нотаниш йигит. – Яъни, мен ишда куним бу жойда сиз ухлайсиз, сиз ишга кетганда эса мен ётаман бу ерда. Мабодо, ҳозиргига ўхшаб иккимиз ҳам бир пайтда ётоқхонага келиб қолсак, сиз ерда ухлайсиз. Сабаби, мен сиздан аввал келганман.

– Бу ноҳақлик, – жаҳли чиқди йигитлардан бирининг. – Мен ерда ётолмайман. Бизни бу ерга ҳамма

Акмалжон келгач, биргаликда ҳал қиламиз.

Акмалжон эса келмади. Кунлар шу тариқа ўтаверди. Оғир меҳнат ва яшаш шароитига кўникмаган баъзи йигитлар уйга қайтишни хошлашди.

– Келганимизга бир ой ҳам бўлмади, – эътироз билдирди Дилмурод. – Ҳали иш ҳақини ҳам олмадик. Қолаверса, сизларнинг қайтиб боришингиз бизнинг оила аъзоларимизни ҳам ташвишлантириши мумкин. Бироз сабр қилганингиз маъқул.

– Лекин бу аҳволда ишлаб бўлмайди, – хафа бўлди йигитлардан бири. – На ётиб-туришимизда ҳаловат бор, на еб-ичишимизда тайин. Вақти келса суткалаб тиним йўқ. Шу совуқда лой ушлашнинг ўзи бўладими! Менга пули ҳам керак эмас, йўлқирамни тўласа бўлди. Бу азобга ортиқ чидай олмайман.

– Дилмурод ака, – суҳбатга кўшилди бошқа бир йигит. – Кўнглим сезиб турибди, Акмалжон ошангиз бизни Манасга пуллаб юборган.

– Йўғ-э, унчалик эмасдир, – эътироз билдирди Дилмурод. – Ахир, у менинг яқин дўстим бўлса, бунчаликка бормас.

– Нега бўлмаса шунча кундан бери қорасини кўрсатмайди. Ахир, бирга ишлаймиз, икки-уч кунда ортингиздан етиб бораман, деганди-ку?!

муқаррар

ҚУСМОҒИ БОР



кан. Биз ҳам бориб келайлик. Шавкатдан кам жойимиз борми? Қани, кетдик Тошкентга.

Азиз Фозил билан бирга Тошкентга бориб, бозордан машинаси учун ул-бул нарса сотиб олди. Иккаласи ошхонага кириб овқатланишди. Шундан кейин Янгиерга қай-

буюртма қилишди.

– Бу зиёфатнинг сабаби борми? – сўради Шавкат.

– Албатта, бор! Бугун Фозил укамиз катта «ўлжа»ни қўлга киритган, – жавоб берди Азиз.

– Қанча?

тиб келиб, яна Шавкат билан телефонда гаплашишди. Шавкат пойтахтда ишларини битириб, уйига келган экан, уни кафега таклиф қилишди.

Бели оғриманнинг нон ейишини кўр, деганларидек, учовлон ўрилик ортидан келган пулларни аямай сарфлашди. Кўнгли тусаган таомларни, ичимликларни

– Бир миллиондан ортиқ, – жавоб берди Фозил.

– Зўр-ку! Менинг улушимни ажратиб қўйдингми?

– Бўлмаса-чи, сизни акам деганман-а, мана бу хамир учидан патир, – Фозил тиржайганча Шавкатга 50 минг сўм узатди.

Зиёфат тугаб, кафедан чиқишганида вақт алламаҳал бўлганди. Азиз «Яна даданг билиб қолмасин. Азиз акамга ёрдам берганим учун пул берди, дейсан» деб Фозилга 20 минг сўм берди. Сўнг елкасига қоқиб:

– Фақат ука, агар яна шундай «ўлжа»ни қўлга киритсанг, бизни унутма, – деди.

Шундай қилиб, фуқаро Д. М.нинг машинасидан ўғрилаган 1 миллион 125 минг сўм пулни Фозил ўзининг жинойи шериклари билан биргаликда маишату улфатчилик учун сарфлаб юборди.

Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан кўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида уч ҳамтовоқ кўп ўтмай қўлга тушди. Емоқнинг қусмоғи бор деганларидай, ўғрилик содир этган Фозил, бировнинг ҳақидан ҳазар қилмаган Азиз ва Шавкат қилмишларига яраша жазоларини олди.

Лола ШОИМОВА.

Сирдарё вилояти.

ҚИДИРИЛМОҚДА

Нодиржон Насим ўғли ИБ-

РАГИМОВ. 1993 йилда туғилган. Бекобод шаҳар 11-мавзе 25-уй 13-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси 2-қисми «б» банди ва 223-моддаси 2-қисми «б» ва «в» бандларида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Шахбоз Ҳасан ўғли НА-

ЗИРКУЛОВ. 1988 йилда туғилган. Бекобод шаҳар 12-мавзе 61-уй 11-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми «в» бандида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Аслиддин Ҳамидович

ПҮЛАТОВ. 1970 йилда туғилган. Бекобод шаҳар 14-мавзе 71-уй 8-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 228-моддаси 2-қисми «б» банди ва 3-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Жамшид Онар-

КУЛ ўғли ТОЖИ-
БОЕВ. 1991 йилда туғилган. Бекобод шаҳар 13-мавзе 90-уй 15-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми ва 244²-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятларни содир этган.

Низомжон Неъмат ўғли

ИСРОИЛОВ. 1992 йилда туғилган. Бекобод шаҳар А. Икромов кўчаси 3-уйда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25-97-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Исроил Абдурахмон ўғли

ҲАМИДОВ. 1979 йилда туғилган. Бекобод шаҳар 12-мавзе 36-уй 37-хонадонда яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Сарвар Абдумалик ўғли

АБДУҲАМИДОВ. 1995 йилда туғилган. Сирдарё вилояти Меҳнатобод туманида яшаган. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 223-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этган.

Юқорида номлари қайд этилган шахсларни кўрган, қаердалигини билганлардан Бекобод шаҳар ИИБга (0-370) 91-23-760 рақамли телефон орқали ёки яқин орадаги ички ишлар идорасига хабар беришларини сўраймиз.

Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт *** Спорт

ЖАНГ САНЪАТИНИ ЎРГАНАМИЗ

Машғулотларни ИИБ Академияси жанговар ва жисмоний тайёргарлик кафедраси бошлиғи, подполковник Ақобир Қурбонов олиб боради

ҚЎЛ ВА ОЁҚ ЗАРБАЛАРИНИ ЙЎЛЛАШ УСУЛЛАРИ


(Давоми. Бошланиши газетанинг ўтган сониди).

Мушт билан ён томондан зарба бериш

Жанговар ҳолатда мушт билан ён томондан зарба йўллаш вақтида гавда зарба бераётган қўл томонга бурилиб, тананинг оғирлиги олд оёққа тушади. Ён томондан зарбалар юзнинг жағ қисмига йўлланади ва иккинчи қўл ҳимоя вазифасини ўтайди.




11, 12-расмлар. Чап томонлама жанговар ҳолатда чап қўл билан ёндан рақибнинг жағига зарба бериш.





13-расм. Зарба беришдан олдин муштни ҳолати.

Мушт билан юқоридан зарба бериш


Юқоридан бериладиган зарба муштни қаттиқ сиқилган пастки қисми ҳамда тирсак ёрдамида тез бажарилади. Бундай зарбалар рақибнинг ияги, бурни ва ўмров суяги (қўракнинг тепа қисми)га йўналтирилади.






14, 15-расмлар. Ўмров суякка юқоридан зарба бериш.



Қулочкашлаб зарба бериш муштни ташқи қисмида гавдани тезлик билан буриш ҳамда тирсакни ишга солиш ҳисобига амалга оширилади. Қулочкашлаб бериладиган зарбаларда рақибнинг жағи, бурни ва ўмров суягига жароҳат етказилади.




16, 17-расмлар. Қулочкашлаб бериладиган зарбалар.



18, 19, 20-расмлар. Жағнинг пастки қисмига ичкаридан қулочкашлаб зарба бериш.


Қўл кафти билан зарба бериш

Кафт зарбалари кескин ҳолда пастдан ва тўғридан берилди. Кафт ёрдамида амалга ошириладиган зарбаларни ияк, пешона, чакка ва бошнинг орқа қисмига йўллаш анча самарали. Ҳолатни бажариш пайтида чап қўл албатта, ҳимоя вазифасини ўташи лозим.



21-расм. Рақиб жағига пастдан кафт билан зарба бериш.

22-расм. Қўлнинг кафт қисми билан тўғридан зарба бериш.



(Давоми бор).

ВАКИЛИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ

Сербиянинг Белград шаҳрида болалар, ўсмирлар, ёшлар, катталар ҳамда фахрийлар ўртасида фудокан каратэ-до йўналишида бўлиб ўтган VI Жаҳон чемпионатида Ўзбекистон фудокан каратэ-до федерацияси жамоаси ажойиб натижаларга эришди. Дунёнинг 52 та мамлакатидан иккинчи нафардан кўпроқ спортчи қатнашган мусобақаларда юртимиз вакиллари олтин олтин, тўртта кумуш ҳамда тўққизта бронза медални қўлга киритишди.

Фудокан каратэ-до йўналиши бўйича Ўзбекистон терма жамоасига машҳур динамочи, 2013 йилнинг Жаҳон чемпиони, подполковник Шухрат Анваров («шихан» VI ДАН қора белбоғ соҳиби) бошчилик қилди. Юртимиз спортчилари бирдам, аҳил жамоа эканликларини, юксак жанговар руҳни ҳамда ғалабага бўлган интилишларини намён этишди.

Авваломбор Ш. Анваровнинг ўзи беллашувларда аъло даражадаги техникага ва маҳоратга эгаллигини кўрсатиб, жамоадошларига намуна

бўлди. Катталар ҳамда фахрий спортчилар ўртасида бўлиб ўтган мусобақаларда Ўзбекистон жамоаси рақибларига имконият қолдирмади. Унда Ш. Анваров Ўзбекистон терма жамоаси медаллар шодасига яна битта олтин медални қўшди. У 90 килограммгача бўлган вазн тоифасида биринчи ўринни эгаллади. Динамочимизни ёрқин ғалабаси билан чин қалбдан табриклаб, унга янгидан-янги ғалабалар тилаб қоламиз!

М. ЮСУПОВ,
лейтенант.

ШОҲСУПАДА – ВИЛОЯТ ИИБ ЖАМОАСИ

Мана, бир неча йилдирки, ички ишлар идоралари жамоалари ўртасида спортнинг кўпгина турлари бўйича «Динамо» жисмоний тарбия ва спорт жамияти биринчилиги анъанавий тарзда ўтказилиб келинмоқда.

Яқинда Хоразм вилояти «Динамо» ўйингоҳида ички ишлар идоралари ходимларидан ташкил топган жамоалар ўртасида футбол бўйича «Динамо» ЖТСЖ биринчилиги бўлиб ўтди. Бир неча кун давом этган беллашувлар қизгин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Финал баҳсида вилоят ИИБ жамоаси рақибларидан анча устун эканлигини намойиш этиб, биринчи ўринни қўлга киритди. Вилоят ИИБ хузуридаги кўриқлаш ҳамда ёнғин хавфсизлиги

бошқармалари жамоалари эса иккинчи ва учинчи ўринларга сазовор бўлди. Мусобақада, шунингдек, «Энг яхши дарвозабон», «Энг яхши ҳимоячи», «Энг яхши ҳужумчи», «Энг яхши тўпурар» номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Голиблар вилоят «Динамо» ЖТСЖнинг дипломи ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Худойберган РАЗЗОКОВ.
Хоразм вилояти.



ХАБАРНИ ОЛГАНЛАРИДАН СЎНГ

? – Мулкларга қўйилган тақиқ қандай ва кимлар томонидан олиб ташланиши мумкин?

А. ИБРАГИМОВА.
Самарқанд вилояти.

! – Нотариуслар банклар (бошқа кредит ташкилотлари), тегишли ташкилотларнинг қарз мажбуриятлари ба- жарилганлиги ҳақидаги ёхуд гаров (ипотека) тўғрисидаги шартноманинг бе-

кор қилинганлиги ҳақидаги хабарни олганларидан сўнг кўчмас мулк ва автотранспорт воситасининг бошқа шахсга ўтказилишига қўйилган тақиқни олиб ташлайдилар.

Саволга ҳуқуқшунос Одилжон ҚОДИРОВ жавоб берди.

НОТАРИУСНИНГ ҲАРАКАТИ ҚОНУНИЙМИ?

? – Вобкент туманидаги ўзимга қарашли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси биносини гаровга қўймоқчи эдим. Ушбу масалада ўзим яшаб турган Бухоро шаҳридаги нотариал идорага мурожаат қилганимда, нотариус менга бинони гаровга қўйиш учун бино жойлашган тумандаги давлат нотариал идорасига мурожаат қилишим лозимлигини айтиб, ҳужжатларимни қабул қилмади. Нотариуснинг ҳаракати қонунийми?

В. ҚИЛИЧЕВ.
Бухоро вилояти.

! – «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 44-моддаси 2-қисмида мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш ва гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш шу мол-мулк (уй-жой, квартира, дала ҳовли, бино-иншоот ва бошқа имо-

ратлар) жойлашган ҳудудда тасдиқланиши белгиланган. Шунга кўра, мол-мулкнинг гаровга қўйиш тўғрисидаги битимларни тасдиқлаш учун сиз шу мол-мулкнинг жойлашган ҳудуддаги давлат нотариал идорасига мурожаат қилишингиз лозим.

Саволга ҳуқуқшунос Сами ҲАМРОЕВ жавоб берди.

Янги йил мучали	Бош майдонимиз																			
	Пойтахти Вашингтон	Айём кўрки	Фаолият ниҳояси					Катта хона	Она замин	Минора соат										
		Бирор, белгили							Мўтабар зот											
	Доимий, мудом			Қаъий мақсад				...сон, ...соф												
					Яхна тансиқ таом			Бугдой												
	Совға, тортиқ	Қаллиқ						Умидворлик												
	Янги йилда беванади	Инглиз адаби Ивлин ...								Мўйна-ли жонивор			Электр қуввати бирлиги							
Янги йил даракчиси		Соддадил	Ялта маскани							Тўп-ланиш Қор ранги		Инсон, башар	Чолғу асбоби							
			Хурсанд, шод																	
										Фафур Фулом шеъри		Бўйсунуш								
					Калит	Адабий жанр			Рухсат, ижозат этилган											
	Авто пойга	Сурмачўп								Хамир-ли таом	Пардоз, сайқал		Назм ижодкори							
	Йил кутиладиган давра	Об-ҳаво	Ширинлик тури							Қиш либоси	Хуш-чақ-чақ		Далил, тасдиқлаш							
					...гул, соз	Лавозим														Бахт, толе



Тавсия

БАЙРАМ КЎНГИЛЛИ ЎТСИН ДЕСАНГИЗ...

Яна санокли кунлардан сўнг юртимизга янги – 2016 йил кириб келади. Аини пайтда мамлакатимизда Янги йил байрами тадбирларини тинч ва осуда, ҳамжиҳатлик билан ўтказиш мақсадида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ИИБ Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати томонидан бу борада кенг қамровли профилактик тадбирлар олиб бориляпти.

Жумладан, аҳоли пунктлари, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳа объектларида олиб борилаётган тарғибот ва ёнгин-профилактика ишлари янада кучайтирилди. Айниқса, болалар ва ўсмирлар ўртасида тушунтириш ишларини олиб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жойларда байрам тадбирлари кўнгилисиз ҳодисаларсиз ўтиши учун уни ташкил қилиш ва тайёргарлик кўриш жараёнида ёнгин хавфсизлиги талабларига тўлиқ амал қилиш муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун байрам ўтказиладиган жойларда қуйидаги ёнгин хавфсизлиги талабларига риоя қилиш мақсадга мувофиқдир:

– таълим муассасалари ва ташкилотларда арча биноларнинг биринчи қаватидаги кенг хоналарда ўрнатилиши, бу жойларда камида иккита чиқиш жойи бўлиши шарт;

– байрам тантаналари бошланиши олдида ёриткичларнинг созилигини, электр сим ва кабелларнинг улиниши тегишли қоидалар асосида бажарилганлиги, бирламчи ёнгин ўчириш воситалари мавжудлиги, уларнинг ишга яроқлилиги текшириб кўрилиши зарур;

– байрам тадбирлари ўтказиладиган объектларда арчанинг мустаҳкам қилиб ўрнатилиши, шохлари девор ва шифтларга тегмаслиги, меъёр, талабларига жавоб бермайдиган электр гирляндлари ва тез алангаланувчи буюмлар билан безатилмаслиги қаттиқ назоратга олиниши керак;

– арчани иситиш мосламалари ёнига ўрнатиш, қоғоз, целлулоид ўйинчоқлар, пахта ва тез ёнувчи материаллар билан ясаши мумкин эмас;

– байрам тантаналари вақтида бенгал шами, турли мушак ва пиротехник воситалардан фойдаланиш тақиқланади;

– болаларни арча атрофида ва арча ўрнатилган хонада қаровсиз қолдириш, уларни тез ёнувчи материалли кийимлар билан кийинтириш мумкин эмас; – қаторлар оралиғидаги ўтиш жойларини торайтириш, у ерларга қўшимча стул ёки креслолар ўрнатиш ва белгиланган меъёрдан кўп одамлар билан хоналарни тўлдириш мумкин эмас.

Ёнгин аломати сезилса, аввало, болаларни хавфсиз жойга чиқариб, тезда «101» рақамига кўнгирик қилишни эслатиб ўтамыз. Шу билан бирга, хонадонингизда ёнгин чиқмаслиги учун носоз газ ва электр мосламалари, қўлбола иситиш ускуналаридан фойдаланмасликни сўраймиз.

Жалолиддин ҲАКИМОВ,
ИИБ ЁХББ катта муҳандиси, майор.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ЁХБ 3-ЎХО командири, подполковник Сайфулла Муродовга отаси **ҲАЙИТ БОБОНИНГ** вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси, истеъфодаги подполковник **Қўшмамат ҚУЛБЕКОВНИНГ** вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма ЁХБ кадрлар билан ишлаш гуруҳи инспектори, сержант Акмал Самиевга қизи **ДУРДОНАХОННИНГ** бевақт вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.

Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва фахрийлар кенгаши бошқарма АВБСО катта мутахассис-ҳайдовчиси, сержант Исмоил Назаровга турмуш ўртоғи **Назира НОРОВАНИНГ** бевақт вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.